

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УКД 657.6

«Ҳимояга тавсия этилади»
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.
Уразов К.Б. _____
«_____» _____ 2011 йил

ҚАРШИБОВЕВ ЖАСУР АБДУСАМИЕВИЧ

**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ
РЕЙТИНГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

(Хорижий ва миллий аудиторлик ташкилотлари мисолида)

5A340902 - "АУДИТ" мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. К.Б. Уразов

САМАРҚАНД - 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
 I-БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ	
1.1.Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аудиторлик ташкилотлари ва улар фаолиятига қўйилаётган талаблар.....	8
1.2.Рейтинг тушунчаси ва уни аудиторлик ташкилотлари фаолиятига баҳо беришда қўллашнинг заруратлари ҳамда аҳамияти.....	21
1.3.Аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг хусусиятлари.....	26
 II-БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИНИ БАХОЛАШ УСЛУБИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
2.1 Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни баҳолаш услубияти.....	31
2.2 Халқаро ва миллий аудиторлик ташкилотлари рейтинг кўрсаткичларининг ҳолати.....	50
2.3. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ошириш йуллари.....	59
 III-БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ	
3.1 Аудиторлик ташкилотларида иш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини аниқлаш масалалари.....	61
3.2 Аудиторлик ташкилотлари рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларининг ҳолати.....	73
3.3 Аудиторлик ташкилотлари самарадорлигини ошириш йуллари.....	83
 IV-БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ	
4.1. Меҳнат ва ёнғин ҳавфсизлиги масалалари.....	88
4.2. Аудиторлик rischi ва ҳавф-хатарни камайтириш йуллари.....	93
 ХУЛОСА.....	102
 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	105
 ИЛОВАЛАР.....	110

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиётининг чуқурлашиши ва иқтисодиётни модернизация қилиш шароитда акциядорлик жамиятлари ва бошқа турдаги корхоналарни корпаратив бошқаришнинг роли ва аҳамияти ошади. Бу табиийки, бўлғуси ҳамда фаолият юритаётган инвесторларнинг қўйилмалари, уларни ташкил этиш сифати қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигига боғлиқ. Бу эса кўп жиҳатдан корхоналарда аудит назоратини ўтказишни тақозо этган, шу сабабли аудит хизматини барпо этиш ва бу хизматни юқори даражада ташкил қилиш зарурати юзага келди. Аудиторлик фаолияти республикамизда бошқа соҳаларга нисбатан янги фаолият ҳисобланади, лекин шунга қарамасдан бу фаолият турига бугунги кунда эҳтиёж ва заруратни ҳисобга олсак, аудит иқтисодиётимизда муҳим ва етакчи соҳалардан бирига айланиб улгурди. Аудиторлик фаолиятини унинг хизматидан фойдаланувчилар талабларидан келиб чиқиб, халқаро илғор тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда ташкил этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар давлат дастурида қайд этилганидек, яқин келажакда Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодиётни шакллантириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, янгича фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши зарур. Бунда «миллий инновация тизими»ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилади. Негаки, бу яқин йилларда юқори технологик, истиқболли ғоялар, ихтиролар ва уларни амалиётга тезкор татбиқ этиш салоҳиятига асосланган иқтисодиётга ўтишда ҳал қилувчи омилга айланади. Шулардан келиб чиқиб аудиторлик фаолиятини ҳам изчиллик билан такомиллаштириб бориш ва улар самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш, яширин имкониятларни юзага чиқариш ва мавжуд ҳолатдан унумли фойдаланиш муҳим натижаларга эришишнинг кафолати ҳисобланади. Бу мавзунинг муҳим ва долзарб жиҳатларидан ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Аудиторлик ташкилотлари рейтинги ва самарадорлигининг айрим жиҳатлари хорижий ва мамлакатимиз олимлари, чунончи П.Камышанов, Н.Каримов, Р. Дустмуродов, С. Медлик, Подольский, А. Яковлева, Х. Мусаев, О.Пардаев, Н.Санаев, М.Тўлахўжаева, К. Уразов, Б. Хамдамов ва бошқа олимлар қаламига мансуб ишларда қисман ўз аксини топган. Бироқ, ушбу манбаларда келтирилган фикр ва мулоҳазалар ҳозирги шароитда юзага келаётган кўплаб муаммоларни ҳал қилишга тўлиқ имкон бермайди.

Чунончи, аудиторлик ташкилотлари рейтинги ва самарадорлиги ҳозиргача тўлиқ ёритилган, деб бўлмайди. Ушбу масалалар ўта долзарблиги сабабли чуқур изланишларни талаб қилмоқда. Буларнинг барчаси танланган мавзунинг ўта долзарблигидан, бу муоммоларни чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш зарурати борлигидан дарак беради.

Мавзунинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Танланган мавзу Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, унинг таркибий бўлинмаси бўлган “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг истиқболли режаларига киради ва уларнинг теваарагида бажарилган мустақил иш ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертацияси ишининг мақсади аудиторлик ташкилотлари рейтинги ва самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этиш ҳамда ушбу масалаларга доир илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун магистрлик диссертацияси олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- ✍ Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аудиторлик ташкилотлари ва улар фаолиятига қўйилаётган талабларни ёритиш;
- ✍ Рейтинг тушунчаси ва уни аудиторлик ташкилотлари фаолиятига баҳо беришда қўллашнинг заруратлари ҳамда аҳамиятини ўрганиш;
- ✍ Аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг хусусиятларини ёритиш;

✍ Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни баҳолаш услубияти таҳлил қилиш;

✍ Халқаро ва миллий аудиторлик ташкилотлари рейтинг кўрсаткичларининг ҳолатини ўрганиш;

✍ Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ошириш йўллари асослаш;

✍ Аудиторлик ташкилотларида иш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини аниқлаш масалаларини ёритиш;

✍ Аудиторлик ташкилотлари рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларининг ҳолатини ўрганиш;

✍ Аудиторлик ташкилотлари самарадорлигини ошириш йўллари асослаш;

✍ Меҳнат ва ёнғин ҳавфсизлиги масалаларини ўрганиш;

✍ Аудиторлик риси ва ҳавф-хатарни камайтириш йўллари асослаш.

Изланишлар объекти ва предмети. Изланишлар объекти бўлиб Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари ҳисобланади. Изланишлар предмети аудиторлик ташкилотлари рейтинги ва самарадорлигини ошириш масалаларидан иборат.

Ишнинг методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, республикада Президентнинг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, қабул қилинган ва амалдаги миллий стандартлар, Низомлар, йўриқномалар, хорижий ва республикада олимлари томонидан чоп қилинган илмий, ўқув ва ўқув-услубий ишлар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, интернет тармоғи материаллари, амалиёт материаллари ишнинг методологик асосларини ташкил этади. Магистрлик диссертациясини бажаришда ҳисоб, таҳил ва аудитнинг замонавий усулларига таянилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

■ аудиторлик ташкилотлари рейтинги ва самарадорлигининг назарий масалалари;

■ аудиторлик ташкилотлари рейтингини баҳолаш услубияти ва уни такомиллаштириш;

- аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги ва уни ошириш йуллари;
- аудиторлик ташкилотлари фаолиятида хавфсизлик масалалари.

Ишнинг илмий янгилиги. Ишда эришилган асосий натижалар ва уларнинг илмий янгилиги бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

✍ Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аудиторлик ташкилотлари ва улар фаолиятига қўйилаётган талаблар белгиланди;

✍ Рейтинг тушунчаси ва уни аудиторлик ташкилотлари фаолиятига баҳо беришда қўллашнинг заруратлари ҳамда аҳамияти кўрсатилди;

✍ Аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг хусусиятлари аниқланди;

✍ Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни баҳолаш услубияти таҳлил қилинди;

✍ Халқаро ва миллий аудиторлик ташкилотлари рейтинг кўрсаткичларининг ҳолатини ўрганилди;

✍ Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ошириш йуллари асосланди;

✍ Аудиторлик ташкилотларида иш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини аниқлаш масалаларини ёритилди;

✍ Аудиторлик ташкилотлари рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларининг ҳолатини ўрганилди;

✍ Аудиторлик ташкилотлари самарадорлигини ошириш йуллари асосланди;

✍ Меҳнат ва ёнғин ҳавфсизлиги масалаларини ўрганилди;

✍ Аудиторлик риси ва хавф-хатарни камайтириш йўллари асосланди.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган тавсиялар аудиторлик ташкилотлари рейтинги ва самарадорлигини ошириш йўллари янада такомиллаштиришга имкон беради. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган тавсияларни жорий этилиши аудиторлик ташкилотлари рейтинги ва фаолият самарадорлигини ошишига, бунда аудиторлик ташкилотлари ва уларда фаолият юритувчи

аудиторлар иш сифатини яхшилашга, улар хатарини пасайтиришга имконият яратади.

Магистрлик диссертацияси материалларидан олий таълим муассасалари ўқув режаларида кўзда тутилган «Аудит назарияси», «Аудит», «Амалий аудит», “Бухгалтерия молиявий ҳисоби” ҳамда “Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари” фанларини ўргатишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларни жорий қилиниши. Диссертацияда келтирилган илмий хулоса ва тавсиялар МЧЖ шаклидаги «Komil-Ishonch» ва “Javlon-Audit” аудиторлик ташкилотларида амалий фаолиятда қўллаш учун, шунингдек СамИСИ томонидан ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган, жорий қилиш ишлари тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича 2009, 2010, 2011 йилларда ўтказилган ҳақаро ва институт миқёсидаги илмий – амалий анжуманларда маърузалар қилинди, уларнинг материаллари ва тезислари тўпламларда чоп этилди.

Диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг 2011 йил 29 майдаги илмий семинарида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича жами ҳажми 1,2 босма табоқдан иборат 2 та илмий мақола ва тезислар чоп этилди.

Ишнинг таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, жами ____ бетдан иборат, унинг таркибида ____ та жадвал, ____ та чизма, ____ та диаграмма мавжуд. Ишнинг илова қисмида мавзуга оид амалий материаллар ва айрим ҳисоб-китоблар келтирилган.

I-боб. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида аудиторлик ташкилотлари ва улар фаолиятига қўйилаётган талаблар

Бугунги куннинг энг долзарб муоммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатларнинг кўмагида иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорт-экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда кўришимиз мумкин. Шундай экан юртбошимиз таъбири билан айтганда “.... тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган ҳулоса чиқармаслик керак”¹. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки кечириб бўлмас хато бўлур эди.

Иқтисодий инқироз даврида ва ундан кейин дунё қай тахлитда ўзгаришини, муайян давлатлар ривожланишини қай йўналишда кетишини билишга уриниш баайни фол очишнинг ўзи. Мунажжимларнинг башоратлари каби экспертларнинг тахмин ва чамаларига ҳам ҳеч ишонмай қолиши мумкин, лекин бу борадаги материаллар жуда муҳим ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодий инқирози бир, икки ва ҳатто тўрт йилга чўзилади деб тахмин қилишмоқда. Энг оғир дамлар ортда қолдими ёки у энди бошланмоқдами – ҳаммани ташвинлантираётган бу саволга жавоб мубҳам. Лекин бир нарса аниқ – эртами кечми барибир барқарорлик даври келади. “The Worl Economic Forum”

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009

журнали томонидан ўтказилган “Келгусадаги глобал молиявий тизим: яқин истиқболлар ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш тархлари”² деган тадқиқотда воқеаларнинг ривож топиши ижобий, бетараф, номатлуб ва даҳшатли кечиши мужассамлашган тўртта тарх тақдим этилган. Унда экспертлар глобал молиявий тизимни шакллантирувчи барча кучларни, шунингдек уларнинг давлат бошқаруви ва индустриал секторга таъсирини тавсиф этишган. Экспертларнинг яқдил фикрига кўра инқироз даври бир неча йиллар билан чекланмайди, унинг таъсири узоқ пайтларгача сезилиб туради. Бу қанчалик кучли бўлиши эса жаҳондаги давлатларга боғлиқ.

Таҳлилчиларнинг қайд этишича, молиявий бозорлар қиёфаси муқаррар ўзгарди, шу сабабли давлат арбоблари ва иқтисодчиларнинг эндиги вазифаси содир бўлган ўзгаришларга монанд ва иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи сиёсатни шакллантиришдан иборатдир. Тадқиқотларда қайд этилганидек энди зўр рақобат даври келди. Бу давр жаҳонда молиявий манфаатлар қайтадан тақсимланишига ҳамда янги ғолиблар ва мағлублар пайдо бўлишига олиб келади.

Хўш шундай ўзгаришларга олиб келаётган молиявий –иқтисодий инқироз ва унинг корхоналар иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? Бунда аудиторлик ташкилотларининг ўрни қандай бўлади? Мазкур саволларга жавоб олиш аудитнинг моҳиятини тушуниш билан бевосита боғлиқдир.

Аудит шу кунга қадар узоқ тарихга эгадир. Биринчи мустақил аудиторлар Европанинг акциядорлик компанияларида XIX асрлардарёқ пайдо бўлган. Аудит сўзи турли таржималарда у “эшилади” ёки “эшитмоқда” деган маънони англатади.

Аудитнинг пайдо бўлиши корхонани бевосита бошқариш билан шуғулланаётган (маъмурият, менежерлар) ва унинг фаолиятига пул қўяётганлар (мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар) манфаатларини ажралиши натижаси билан боғлиқдир. Улар фақатгина корхона бошқаруви ва унга қарам бўлган бухгалтерлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларни асос қилиб олишлари мумкин эмас эди ва ҳоҳламасди ҳам. Акциядорлар алданмаётганликларига,

² www.norma.uz

маъмурият томонидан тақдим этилган ҳисоботларда корхонанинг амалдаги молиявий ҳолатини тўлиқ акс этаётганлигига ишонч ҳосил қилишни истар эдилар. Молиявий маълумотларни тўғри эканлигини текшириш ва молиявий ҳисоботни тасдиқлаш учун, акциядорларни фикри бўйича ишониш мумкин бўлган шахслар - аудиторлар таклиф этилар эди.

Аудитга оид манбаларда таъкидланишича, уни куйидаги шарт-шароитлар келтириб чиқарган³:


□ ахборот етказиб берувчилар (маъмурият) билан ахборотлардан фойдаланувчилар (давлат органлари, банклар, акциядорлар, кредиторлар) манфаатларининг мос келмаслиги, натижада, улар уртасида зиддиятли вазиятлар юзага келганида маъмурият томонидан нотўғри маълумотлар берилиши;

□ нотўғри ахборотларга асосланган ҳолда хужалик қарорларининг қабул қилиниши натижасида ноқулай иқтисодий аҳволга тушиб қоллиниши ёки инкирозга юз тутилиши;

□ иқтисодий ахборотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун зарур махсус билимларга эҳтиёж;

□ ахборотлардан фойдаланувчиларда маълумотларни бевосита баҳолаш ва сифатини аниқлаш учун махсус малака, вақт ва материалларнинг етишмаслиги ва х.к. (1-Қизма)

³ Дўстмурадов Р.Д. «Аудит асослари» Дарслик.-Т.: 2004 й. 6-бет



1-Чизма. Аудитнинг пайдо бўлишига заруратлар.

1929-1933 йилларда дунёда вужудга келган иқтисодий инқироз бухгалтер-аудиторларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Бу вақтда, аудиторлик текшируви сифати ва унинг мажбурийлигига қўйиладиган талаблар кескин кучаяди, бу турдаги хизматларга бозор эҳтиёжи кескин ўсиб боради. Инқироз якунлангандан кейин, амалда барча давлатлар йиллик ҳисоботларда мавжуд бўлиши лозим бўлган маълумотлар ҳажмига мажбурий талаблар киритадилар, ушбу ҳисоботлар ва аудиторлик ҳулосаси чоп этилиши мажбурий деб белгиланади. Аудит қаллобликка қарши кучли қурол бўлиб қолади.

Кейинги йилларда Республикамизда молия тизимида ислохотларни чуқурлаштириш ва республикамиз бозор инфраструктурасини такомиллаштириш бўйича босқичма-босқич амалга оширалаётган сиёсат натижасида аудиторлик фаолиятининг комплекс қонунчилик-ҳуқуқий асоси барпо этилди, жумладан 2000 йил 26 майда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида" 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори қабул қилинди, 1999 йилдан бошлаб 2006 йилгача бўлган даврда 21та Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарт (АФМС)лари ва аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг турли масалаларини тартибга соладиган бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Аудиторлик фаолиятини фаол ривожлантириш учун амалий иқтисодий рағбатлар ва солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар яратилди, лицензиялар бериш тизими сезиларли даражада соддалаштирилди ва либераллаштирилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан, 2005 йил 1 октябрдан бошлаб аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар чекланмаган амал қилиш муддатга берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли "Ўзбекистон Республикасида 2006 - 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, аудиторлик хизматларини кўрсатадиган аудиторлик ташкилотлари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилган. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ – 640 - сонли “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, юқорида таъкидлаб ўтилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати кичик корхоналар ва микрофирмаларга тегишли аудиторлик ташкилотлари учун 2010 йил 31 декабргача узайтирилди.

Корхоналар иқтисодий салоҳиятининг ошиши ва аудиторлик фаолиятининг аҳамияти ва мазмуни ошиб борилгани сари аудиторлик хизматларига бўлган талаб янада кўпроқ ўсиб бормокда.

Аудит ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича ва шунингдек аудиторлик ташкилотларининг лицензия талаблари ва шартларини бажариш учун жавобгарлигини кучайтириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш ва аудиторлик ташкилотлари фаолиятини бошқаришнинг самарали усулларини тадбиқ этиш, аудиторлик хизматлари бозорида инсофсиз (ноқонуний) рақобатни таг-томири билан йўқотиш мақсадларида 2007 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-615 - сонли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан:

а) 2008 йил 1 январдан бошлаб аудиторлик текширувлари турларига қараб аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияларнинг табақалаштириш тизими киритилди;

б) аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг жавобгарлигини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга йўналтирилган қўшимча лицензия талаблари ва шартлари ўрнатилди;

в) аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат бир аудиторлик ташкилотида амалга оширилиши ва фақатгина бир аудиторлик ташкилотида таъсисчи бўлиш мумкинлиги талаби киритилди;

г) аудиторлик ташкилотлари томонидан битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказишни таъқиқлаш тўғрисидаги талаб киритилди;

д) аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартларининг мабжурий мавжулиги талаби киритилди;

е) аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан аудиторлик ташкилотларни мажбурий рейтинг баҳолаш тизими жорий этилмоқда;

ж) аудиторлик ташкилотининг лицензияси ва аудиторнинг малака сертификати амал қилишини тугатиш учун асослар қайта кўриб чиқилди;

з) аудиторлик ташкилоти раҳбари уч йилда бир маротаба аттестациядан мажбурий ўтиши тўғрисидаги талаб киритилди;

и) аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳар ярим йилда бир марта белгиланган шаклда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мажбурий тақдим этиш талаби киритилди;

к) аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия талаблари (2-чизма) ва шартларига риоя қилиниши Молия вазирлиги томонидан ҳар уч йилда камида бир маротаба мажбурий текшириб турилиши тўғрисида талаб киритилди ва бошқалар.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Лицензия талаблари

Қуйидагилар аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

- ✍ "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, шунингдек бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- ✍ лицензия олинаётганда мазкур Низомда назарда тутилган миқдорларда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиш;
- ✍ фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;
- ✍ фуқаролик масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлиш;
- ✍ аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат битта аудиторлик ташкилотида амалга ошириш;
- ✍ штатда аудиторлар сони Низомда назарда тутилган миқдорда бўлиши;
- ✍ лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши;
- ✍ аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаш;
- ✍ аудиторлик текширувлари ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- ✍ аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимида фақат аудиторни тайинлаш;
- ✍ аудиторлик ташкилоти раёбарининг уч йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида аттестациядан ўтиши;
- ✍ аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилликни таъминлаш;
- ✍ ишончли аудиторлик ҳисоботи тузиш ва аудиторлик ҳулосаси бериш;
- ✍ аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартлари мавжудлиги;
- ✍ ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини хабардор қилиш;
- ✍ аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ярим йилда бир марта белгиланган шаклда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш, шунингдек аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги талаби бўйича тақдим этиш.

Устав капиталини шакллантириш талаблари	✍ фақат ташаббускорлик асосида аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 2 нафар аудиторга эга бўлиши; ✍ очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 4 нафар аудиторга, уларнинг биттаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши; ✍ барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 6 нафар аудиторга, уларнинг иккитаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши шарт. ✍ аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик фоизи муассислар (иштирокчилар)нинг пул маблағларидан, қолган қисми эса аудиторлик фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган моддий бойликлардан шакллантирилади.
--	---

2-Чизма. Аудиторлик ташкилотларига қўйиладиган талаблар.

АУДИТОРЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Сертификат талаблари	• Сертификат олиш учун махсус ўқув курсларида ўқиш; • Сертификат имтихонларидан ўтиш; • Мутахассислиги бўйича иш стажи, малакасининг мавжудлиги.
Этика талаблари	✗ Умумий маънавий меъёр ва тамойилларга амал қилиш; ✗ Жамият қизиқишларини инобатга олиш; ✗ Аудиторнинг объективлиги; ✗ Аудиторнинг эътиборлилиги (зийраклиги); ✗ Аудиторнинг мустақиллиги; ✗ Аудиторнинг касбий маҳорати; ✗ Мижоз ахборотининг махфийлиги; ✗ Солиқ муносабатлари; ✗ Профессional хизмат учун ҳақ тўлаш; ✗ Аудиторлар ўртасидаги муносабатлар; ✗ Ходимларнинг аудиторлик ташкилотлари билан муносабати; ✗ Нашр қилинадиган ахборот ва реклама; ✗ Профессional хизматга алоқадор бўлмаган соҳада аудиторнинг ҳаракати; ✗ Халқаро фаолият.

3-Чизма. Аудиторларга қўйиладиган талаблар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ПҚ-615 – сонли Президент қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб бугунги кунгача, ушбу қарор талабларига асосан янги турдаги лицензияни олиш учун бир юз ўттиздан ортиқ аудиторлик ташкилотлари ҳужжатларини тақдим этишди, шулардан 2011 йил 1 май ҳолати бўйича 105 та аудиторлик ташкилотлари мос келувчи турдаги лицензияни олишга муваффақ бўлди, жумладан: 67 та аудиторлик ташкилотлари – барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини амалга ошириш учун лицензияга; 15 та аудиторлик ташкилотлари - Очiq акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга ошириш учун лицензияга; 23 та аудиторлик ташкилотлари- фақат ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлишди.

Аудит бозорини юқори малакали аудиторлар билан таъминлаш мақсадида аудитор малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ўтказишга қўйилган талаблар кучайтирилди.

Оширилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, 2007 йилдан бошлаб малака имтиҳонлари идораларо имтиҳон комиссияси (Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулк қўмитаси, Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, бухгалтерлар ва аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмаларининг мутахассислари жалб этилган ҳолда) томонидан ўтказиб келинмоқда. [Малака имтиҳонларга қатнашган 1200 дан ортиқ даъвогарлардан, имтиҳонларни муваффақитли топширган 192 та даъвогарларга Молия вазирлиги томонидан аудитор малака сертификатлари берилди ва 2011 йил 1 май ҳолати бўйича амалдаги аудиторлар сони 654 тани ташкил этади.](#)

Қонунчилик томонидан ўрнатилган талабларнинг амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектлар учун ягона талаблар ва стандартлар асосида аудиторлик хизмати кўрсатилишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида рақобатчилик муҳитининг ривожланишига, хизматлар сифати ва аудитга бўлган ишончнинг ошишига олиб келади ҳамда миллий аудит тизимини халқаро даражага олиб чиқилишига кўмаклашади.

Ҳозирда ҳисоб ишларининг такомиллашиб бориши билан аудитнинг аҳамияти ва зарурияти ҳам ошиб бормоқда. Биргина ички аудитнинг корхоналар фаолиятидаги ролини оладиган бўлсак, ички аудит корпаратив бошқариш тизимида ички назорат тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, компанияни самарали бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Корпаратив бошқариш соҳасида иш хажмининг ўсиб бориши ва мажбуриятларнинг кенгайиши ҳисобга олинса, жамиятнинг кузатув кенгашида ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотнинг объектив манбаи бўлиши кераклиги аён бўлади. Кенгаш учун аудит айтиш шундай манба бўлиши керак –у ишончли ахборотни ўз вақтида тақдим этади. Иқтисодий инкироз шароитида ахборотнинг объектив манбаи сифатида ички аудит аҳамиятини бир қатор омиллар белгилаб беради. Аввало у бизнесни мураккаблаштириши ва атрофдаги вазиятнинг жадал ўзгаришида кўринади, бунинг натижасида кузатув кенгашининг ишончли ахборотни ўз вақтида олиши қийинлашиб боради. Бундан ташқари, ижро билан кузатув кенгаши ўртасида “ахборот ассимметрияси” мавжуд. Ижро органлари бизнесдаги вазиятни ичидан билади –бажараётган функциялари боис уларга жамият ишлари тўғрисида ахборотдан фойдаланиш анча осон. Кузатув кенгашига эса ахборот, очиқ айтиш лозим, ҳар доим ҳам тақдим этилавермайди. Кенгаш учун ахборотнинг айтиш объектив манбаи бўлган ички аудит “ахборот ассимметриясини” бартараф этишда ёрдам бериши мумкин. Кузатув кенгаши аъзолари зиммасидаги иш хажмининг ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, ички аудит таълим ресурси сифатида фаолият юритиши –билим бериши ва турли масалалар бўйича кенгаш аъзоларининг хабардорлигини ошириши мумкин.

Аудитнинг зарурати бўйича эҳтимолий йўналишлар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ✚ молиявий ҳисобот мавжуд стандартларининг компанияга таъсири;
- ✚ компанияга жиддий таъсир кўрсатаётган қонунчилик ва регулятив меъёрлардаги ўзгаришлар;
- ✚ ички назоратнинг негизи бўлувчи принциплари;
- ✚ тармоқдаги ўзгартиришлар ва ривожланиш тамойиллари;

✚ корпоратив бошқаришнинг энг яхши амалиётлари (мисоллари), шу жумладан аудит бўйича директорлар кенгашлари ва қўмиталарининг ишлаш принципларини тилга олиш мумкин.

Кенгашларнинг кенгайиб бораётган мажбуриятлари ва ўсиб бораётган қонунчилик мажбурияти, ички мажбурияти, ички назорат, хабарларни бошқариш, корпоратив бошқариш соҳаларида кафолатлар манбаи сифатида ички аудит ва умуман аудит анъанвий ролининг аҳамиятини оширади.

Аудит кўп нарсага қодир, бироқ жамият барча муаммоларининг унверсал ечими эмас.

Масалан аудит:

❖ инсон хатолари суистеъмолликларининг барча ҳолларини тугата олмайди ёки идентификация қила олмайди, бироқ уларни тезда аниқлаш ва тизимлар, таомиллар аудити воситасида минималлаштириш эҳтимолини ошириш мумкин;

❖ ҳар бир бизнес жараёнини ҳар йили аудит қила олмайди, бироқ олдиндан хатар таҳлилининг ўтказиш асосида текширилаётган соҳалар, бўлинмаларни танлашни макбуллаштириши мумкин;

- жамият бўлинмалари, бўлимлари учун таомилларини ишлаб чиқмаслиги керак, чунки бу ички аудитнинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатади, бироқ бошқа бўлинмалар, бўлимлар ишлаб чиққан таомилларни жамият ички назорати тизими доирасида уларнинг самарадорлиги бобида таҳлил қилиши мумкин.

Аудит нафақат молиявий –иқтисодий инқироз шароитида балки иқтисодиётни модернизация қилишда ва умуман хатарларни баҳолаш дастагига айланиб бормоқда, алоҳида операцияларни баҳолашдан умуман корхоналар фаолиятидаги хатарларни баҳолашга урғу қўйиш ҳам кузатилмоқда. Буларнинг барчаси молиявий –иқтисодий инқироз ва унинг корхоналарга таъсирини камайтиришда ҳамда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аудитнинг роли ва аҳамиятини муҳимлигини тасдиқлайди.

1.2. Рейтинг тушунчаси ва уни аудиторлик ташкилотлари фаолиятига баҳо беришда қўллашнинг заруратлари ҳамда аҳамияти

Ҳар бир соҳада ривожланишнинг оптимал меъёрини белгилайдиган жиҳатлар эркин ва ҳалол рақобат асосида фаолиятни ташкил қилиш орқали шаклланади. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолиятда эркин, ҳалол рақобат натижаларини маданиятли намоёиш қилиш шакли эса рейтингдир.

Рейтинг сўзи инглизча rating – баҳо қоида, даража бўлиб:

-  фаолият турининг самарадорлиги ва нуфузини белгиловчи усул;
-  сиёсат, маданият ва бошқа соҳалардаги таниқли арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли билан аниқланадиган машҳурлик даражаси;
-  фирма, банк аҳамияти, кўлами, муҳимлигини баҳолаш, шунингдек, компаниянинг кредитга қобиллигини тавсифловчи кўрсаткич;
-  Таълим соҳасида талабалар билимини қабул қилинган тартиб ва белгиланган меъёрлар орқали баҳолаш тизими;
-  социологик сўров белгилайдиган сиёсий, ижтимоий арбоб, давлат раҳбари, ижтимоий ёки давлат ташкилотининг муваффақияти даражаси бўйича бирор ҳодисанинг субъектив баҳоси, ранжировкадир. (4-Чизма)



4-Чизма. Рейтинг сўзининг турли талқинлари.

Бугунги кунда рейтинг барча сохани камраб олган тушунча ҳисобланади. Чунончи таълим, спорт, сиёсат, маданият ва бошқа кўплаб соҳалар қатори аудит соҳасини ҳам.

Рейтинг ҳар қандай фаолиятни «кўринмас кўл» орқали диверсификация қилиш воситасига айланмоқда десак хато бўлмайди. Шу жумладан аудит соҳасида ҳам фаолиятнинг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим ҳисобланади.

Аудит тадбиркорлик фаолиятининг турларидан бири сифатида барча хўжалик операцияларини қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда амалга оширишга имкон беради ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олган ҳамда хўжалик фаолиятининг эҳтимолий хатоларини камайтирган ҳолда ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Республика етакчи аудиторлик ташкилотларининг мавжуд тажрибаси бунинг сўзсиз тасдиғидир. У эса сифатли аудит қорхонани самарали бошқаришнинг зарур шарти ҳисобланишидан гувоҳлик беради.

2007 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг баҳосини аниқлаш учун Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг қўшма лойиҳаси доирасида мамлакатимизда илк бор рейтинг баҳоси қўйилди.

Рейтингдан мақсад аудиторлик ташкилотларининг фаолиятига сифатли баҳо бериш, аудиторлик хизматларининг бўлғуси фойдаланувчиларига ҳар бир аудиторлик ташкилоти аудиторлик хизматларининг салоҳияти ва сифат даражаси тўғрисида ишончли ҳамда ҳолис ахборот тақдим этиш ҳисобланади.

Республикадаги аудиторлар жамоатчилик бирлашмаларининг ўзаро амалий ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳоси қўйиш бўйича Низом⁴, бу хил баҳолаш услубияти ҳамда рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш таомилини белгилайдиган ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш имконини берди. Ушбу ҳужжатлар тегишли аудиторияда

⁴ Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарорига ИЛОВА "Ўзбекистон Республикаси сонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 15-сон, 155-модда.

муҳокама қилиш мақсадида чоп этилиб, келиб тушган фикр – мулоҳазалар ва таклифлар асосида улар қайта ишланди.

Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида махсус равишда МЧЖ «Аудит рейтинг» рейтинг агентлиги таъсис этилди, шунингдек асосий вазифаси рейтинг ўтказиш чоғида мустақиллик ва холисликни таъминлаш ҳисобланган Жамоатчи кенгаш шакллантирилди.

Ушбу талабларни бажариш учун аудиторлик ташкилотларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари йил якунлари бўйича қуйидаги рейтинг параметрлари асосида гуруҳларга ажратилди:

- ✍ фаолиятнинг кенг миқёслилиги;
- ✍ кадрлар салоҳияти;
- ✍ фаолиятни диверсификациялаш;
- ✍ имижни қўллаб қувватлаш;
- ✍ хизматлар бозоридаги барқарорлик.

Улар ҳар бир параметрнинг аҳамияти ва мазмунини номланишига кўра тушунарли бўлиши мумкин бўлган тарзда номланган. Ҳар бир параметрда белгиланган рейтинг коэффициентлари рўйхати рейтинг усубиятида акс эттирилган. Дастлаб рейтингда жами 93 аудиторлик ташкилоти иштирок этди, улар орасида халқаро, 2007 йилда фаолият юритган ва шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра аудиторлик текширувларини ўтказишга давлат лицензиясига эга бўлганлари ҳам бор.

Аудиторлик ташкилотларига нисбатан лицензия талабларидаги охириги ўзгаришларни эътиборга олиб, уларни рейтингини тегишинча, лицензия турига қараб табақалаштирилган. Масалан, барча турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатишга лицензияси бўлган аудиторлик ташкилотлари ҳам алоҳида гуруҳга ажратилди. Тўрт гуруҳнинг ҳар бири ичида етакчилар ва аутсайдерлар белгиланди. Рейтинг ҳар бир гуруҳ ичида ҳам мутлақ етакчини аниқлаш мақсадини кўзламаганлигини таъкидлаш лозим. Рейтинг орқали аудиторлик ташкилотларида ҳар бир кўрстакичга бўлган эътиборни кучайтириш ва шу орқали улар фаолиятидаги сифат ҳамда самарадорликка эришиш муҳим жиҳатдир. Шу

сабабли аудиторлик ташкилотлари олган балларига қараб, тўрт даража бўйича гуруҳларга ажратилди, бунда “А” даражаси биринчи, “Д” даражаси эса охириги даража ҳисобланади. Ўз даражаси доирасида аудиторлик ташкилотлари олган балдан қатъий назар алфавит тартибида тартибга солинади.

Биринчи тажриба ишланмаларини ҳисобга олган ҳолда рейтинг баҳосининг синовдан ўтган тизимини жорий этиш, бу хил мониторингдан кўзланган мақсадни бажаришидан ташқари, аудиторлик ташкилотларининг фаолият юритиш амалиётини умумлаштириш ва аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни, шу жумладан мазкур соҳада бундан кейин қонун ижодкорлиги бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш учун асосга айланиши керак. Умуман олганда рейтингнинг концептуал асослари муқаррар равишда аудиторлик ташкилотлари кўрсатаётган тегишли хизматларнинг сифатини мунтазам равишда изчил оширишга йўналтирилган чораларни белгилашга кўмак беради.

1.3.Аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги ва уни ифодаловчи

кўрсаткичларни аниқлашнинг хусусиятлари

Хар қандай жамиятда ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиётнинг асосини яратади.

Ривожланган мамлакатларда илмий доиралар “самара” ва “самарадорлик” катигорияларини чуқур ўрганишмоқда. Шунинг қайд этиб ўтиш керакки, самарадорлик фойдалиликни белгилаб беради ва шунинг учун бозор шароитида яхши қабул қилинади, лекин хорижий иқтисодчилар бу концепцияни танқид остига олишмоқда. Айниқса, хизмат соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш борасида бу ёндашиш бўшдир. Иқтисодчи олимларимиз Б.А. Абдукаримов, А.Н. Жабриев, Н.Р. Зугуров, А.Т. Қутбиддинов, М.Қ. Пардаев, Э.Ш. Шавқиевлар самарадорликни қуйидагича тавсифлайди. “Самарадорлик” сўзи натижа деган маънони беради. Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳам иқтисодий , ҳам ижтимоий самарадорлигини ўрганиш ўта муҳимдир. Улар ўзаро боғлиқликда ва бир-бирини тақоза этадиган катигориялардир.⁵ Шунинг эътирофи этиш керакки, иқтисодий адабиётларда, самарадорлик тушунчасининг таърифи бўйича ҳамон турли қарашлар мавжуд. Унинг назарий таҳлилига қисқача тўхталадиган бўлсак, самарадорлик таърифининг турлича ёритилишига сабаб, турли соҳалар хусусиятидан келиб чиқади, яъни ишлаб чиқаришда самарадорликка моддий жиҳатдан қаралса, хизмат кўрсатишда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг ижтимоий-иқтисодий натижавийлиги муҳим ҳисобланади.

Ушбу тушунчани тўлиқ англаб етиш учун энг аввало “самара”, “самарадор”, “самарадорлик” атамаларининг мазмунига тўхталамиз. “Ўзбек тилининг изохли луғати”да “самара” сўзига қуйидагича изох келтирилган. “Самара” натижа, оқибат; мева. “Самарадор” сўзини кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара биладиган, самарали, сермахсул деб изоҳлаган. Ҳақиқатда ушбу атамаларга изох беришда номи юқорида келтирилган изохли луғатда иқтисодиёт нуқтаи

⁵ Б.А. Абдукаримов, А.Н. Жабриев, Н.Р. Зугуров, А.Т. Қутбиддинов, М.Қ. Пардаев, Э.Ш. Шавқиев Корхона иқтисодиёти “Фан” нашриёти 2005, 122-бет

назаридан келиб чиқилган. Лекин ушбу тушунчани иқтисодиётга тадбиқ қилиш учун уларга янада аниқлик киритиш лозим.

“Самара”- дегенда, иқтисод нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бирорта иқтисодий жараёнда эришилган натижа тушунилади. Ёки бирорта иқтисодий фаолият натижасини ҳам самара сифатида қабул қилиш мумкин. Масалан хизмат соҳасида эришилган натижа- маълум миқдордаги мижозларга хизмат қилиш, ишнинг натижаси-маълум миқдорда ишни бажариш ва хоказо.

“Самарадор” атамаси бирор фаолият ёки предметни ишлатишнинг серунумлигини англатади.

“Самарадорлик” эса том маънодаги натижавийликдир. Бирорта содир бўлган иқтисодий жараённинг қандай натижа билан якунланганлигини ифодалайди.

Самарадорликнинг умумий ҳолати, жумладан, ижтимоий-иқтисодий самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик –чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда эришилган натижа, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий истеъмол даражасини юксалтиришдир.

Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг қондирилиши –инсон камолотининг юксалиши, моддий ва ижтимоий фаровонлигининг ўсиши, маданий ва маънавий жиҳатдан ривожланишида кўринади. Инсон фаровонлиги ҳамда камолоти нақадар юксалса, шу қадар юқори ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришган бўлади. Корхоналарда ижтимоий-иқтисодий самарадорлик унинг пировард молиявий натижасида ўз ифодасини топади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик таркибида иқтисодий самарадорлик алоҳида ўринга эга.

Иқтисодий самара фаолият жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар хажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан олинган даромад(фойданинг)ларнинг муносабатидир. Фаолият жараёнида омиллар харажат қилинади ва унинг натижасида маълум миқдорда даромад олиниб неъматлар яратилади. Харажат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади.

Фаолият натижаси ижтимоий самарадорлик билан ҳам ифодаланади. Фаолиятнинг ижтимоий самарадорлик мезони истеъмолчилар эҳтиёжини

қондириш даражаси билан белгиланади. Ижтимоий самарадорликнинг кўрсаткичлари аҳолининг даромадлар миқдори, иш билан бандлиги, саломатлигини сақлаш, меҳнат малакасини юксалтириш, маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтлари кабиларни аниқлаш билан белгиланади.

Фаолиятнинг иқтисодий самарадорлиги мураккаб бўлиб, унда фаолият натижаларига ҳамда харажатларига таъсир қилувчи омиллар мужассамлангандир. Иқтисодий самарадорлик фаолият натижаларининг ўсиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳамда маҳсулот ассортименти тузилишининг ижтимоий эҳтиёжлар тузилишига тўғри келишида ўз аксини топади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишининг таркибий қисмлари қуйидагича:

- ❖ маҳсулот сифати ва таркибининг яхшиланиши;
- ❖ жонли меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- ❖ материал сарфининг камайиши;
- ❖ фондлар самарасининг ошиши.

Биз самарадорликни аудиторлик ташкилотлари бўйича ўрганиб, унинг таърифини қуйидагича ифодалашга ҳаракат қилдик.

Аудиторлик ташкилотлари самарадорлиги деганда, аудиторлик хизматларини кўрсатишдан олинган натижанинг (соф тушум, соф фойда каби натижавий кўрсаткичлар) шу жараёнда қилинган харажатлар ва ёки фойдаланилган ресурслар қийматига нисбати тушунилади.

Аудиторлик ташкилотларида самарадорликни аниқлаш унинг кўрсаткичлари орқали амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб аудиторлик ташкилотлари самарадорлик кўрсаткичларин қуйидагича тизимлаш имкони мавжуд (5- Чизма):


- меҳнат потенциалли самарадорлиги;
- рентабеллик кўрсаткичлари;
- молиявий барқарорлик кўрсаткичлари.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш давр талаби. Бу ҳеч эскирмайдиган муоммодир, чунки ундан

самарали фойдаланиш мулкнинг ёки ижтимоий тузилманинг қандай шаклда бўлишидан қатъий назар ҳамиша долзарбдир.

Рентабеллик кўрсаткичлари –бу фойдалиликни ифодалаш, яширн имкониятларни топиб фаолиятга сафарбар қилиш имконини беради.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари эса аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолаш, ликвидлик даражаларини белгилаш имконини беради. Биз қуйидаги чизма орқали самарадорликнинг умумий кўрсаткичлари ва аудиторлик ташкилотлари хусусиятларини ҳисобга олиб аудиторлик ташкилотларида самарадорлик кўрсаткичлари тизимини ифодаладик.



5-Чизма. Аудиторлик ташкилотлари самарадорлик кўрсаткичлари тизими.

II- БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГНИ БАХОЛАШ УСЛУБИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1 Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни баҳолаш услубияти

Республикамизда аудиторлик ташкилотлари рейтингини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича Низомга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизмат сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш услубиятини ишлаб чиқиш, аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари томонидан аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини беришни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларини тартибга солади.

Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини мазмун моҳиятини чуқур тушуниш учун қуйидаги асосий тушунчаларни билиш муҳим ҳисобланади.

Рейтингни баҳолаш услубияти-унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари рейтинг баҳолари ҳисобланадиган ҳужжат.

Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш-рейтинг учун саволлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уни аудиторлик ташкилотлари ўртасида тарқатиш, улардан зарур ахборот олиш, олинган ахборотларни киритиш ва унга ишлов бериш, рейтинг якунлари ҳисоб-китоби ва уларни шакллантириш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва тарқатишни ўз ичига оладиган жараён.

Жамоатчилик кенгаши-Ўзбекистон Республикасининг аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари, Молия вазирлиги вакиллари, шунингдек юқори малакали аудиторлар, тегишли йўналишдаги илмий ходимлар ва ўқитувчилардан иборат бўлган жамоатчилик органи.

Ишчи орган-аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари махсус барпо этадиган, бевосита рейтингни баҳолаш услубияти ва рейтингни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижаларини чоп этиш жараёнларин амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъект.

Саволлар рўйхати-жамоатчилик кенгаши тасдиқлаган, рейтинг ўтказилаётганда аудиторлик ташкилотлари жавоб бериши шарт бўлган саволлар рўйхати.

Масалан, 2007 йил якунлари бўйича Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш учун саволлар рўйхати⁶ қуйидагича бўлган:

1. Аудиторлик ташкилоти тўғрисида қисқача ахборот.
2. 2007 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботи.
3. 2007 йил якунлари бўйича аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар.
4. Юридик шахс ҳисобланмаган ташкилотлар рўйхати.
5. Аудиторлик ташкилоти раҳбарининг малакага доир профессионал даражаси.
6. 4 ва 5-сон АФСМлар бўйича ҳужжатлар пакетининг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш.
7. Штатда халқаро иш тажрибасига эга аудиторларнинг мавжудлиги.
8. Аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги иш стажини кўрсатган ҳолда аудиторларнинг Ф.И.Ш.

9. Уларда:
 - халқаро лойиҳалар (МІХС ва ХАД бўйича хизматлар);
 - кредит муассасалари;
 - суғурта ташкилотлари ва инвестиция институтлари;
 - устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари
- аудити кўрсатилган ҳолда аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар миқдори.

⁶ 2007 йил якунлари бўйича Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш учун саволлар рўйхати "АУДИТРЕЙТИНГ" ТАШКИЛОТИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН 05.05.2008 й. N 2

10. Реклама сарф-харажатлари ва вакиллик харажатлари суммаси.
11. Ўз офиси мавжудлиги ёки офис ижараси харажатлари (манзил ва майдон ҳажми кўрсатилсин).
12. Оммавий фаолият (семинарларда чиқиш, мақолалар чоп этиш, касбга оид маслаҳатлар, дарс бериш).
13. Улар услубиятидан фойдаланиш ва сифатнинг ташқи назоратини ўтказиш ҳуқуқи билан биргаликда аудиторлик ташкилотларининг халқаро ва ёки миллий тармоғига кириш.
14. Кадрларни тайёрлаш ва аудиторлар малакасини ошириш харажатлари.
15. Штатдаги аудиторлар иш ҳақининг ўртача миқдори.
16. Ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб этган ҳолда аудиторлик хизматларининг ҳажми.
17. Ёрдамчи пудрат асосида бажарилган аудиторлик хизматлари ҳажми.

Рейтинг ўтказиш жадвали-рейтинг ташкил этилиши бошланишидан унинг якунларини чоп этиш пайтига қадар вақт чегараларини акс эттирадиган ҳужжат. Масалан, 2008 йилда рейтинг ташкил этилишининг вақт доиралари ва уни ўтказиш⁷ қуйидагича бўлган:

Рейтинг ўтказиш учун Саволлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш муддати - 2008 йил 25 апрелгача;

республика аудиторлик ташкилотларига Саволлар рўйхатини чоп этиш муддати - 2008 йил 10 майгача;

рейтинг учун аудиторлик ташкилотларидан материалларни йиғиш (олиш) муддати - 2008 йил 30 майгача;

олинган материалларга ишлов бериш муддати ва рейтинг дастлабки якунларининг ҳисоб-китоби - 2008 йил 20 июнгача;

рейтинг якунларининг Жамоатчилик кенгаши томонидан текшириш муддати - 2008 йил 30 июнгача;

⁷ Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш жадвали "АУДИТРЕЙТИНГ" ТАШКИЛОТИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН 05.05.2008 й. N 2

рейтингнинг Умумлаштирилган якунларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиш муддати - 2008 йил 10 июлгача;

рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини тайёрлаш ва республика аудиторлик ташкилотларига юбориш муддати - 2008 йил 20 июлгача.

Рейтинг жорий даври-молиявий ва молияга оид бўлмаган кўрсаткичлари аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтинг баҳоланишини ўтказиш чоғида таҳлил қилинадиган ҳисобот даври.

Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхати-рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқ рейтингни баҳолаш натижасида олинган аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолаш якунларининг бутун комплекти.

Рейтингнинг умумлаштирилган якунлари-оммавий ахборат воситаларида чоп этиш учун мўлжалланган рейтинг якунларининг қисқартирилган варианты.

Рейтингнинг баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш, рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш, рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш жараёнларини тартибга солиш мақсадида Республика аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари томонидан жамоатчилик кенгаши барпо этилади.

Жамоатчилик кенгаши таркибига қуйидагилар киради:

✍ Ўзбекистон Республикаси аудиторлар жамоатчилик ташкилотларининг ваколатли вакиллари;

✍ Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги вакили;

✍ САР СІРА сертификатларига эга аудиторлар тимсолида Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотларининг вакиллари;

✍ аудит соҳасидаги илмий ходимлар ва ўқитувчилар.



6-чизма. Жамоатчилик кенгаши таркиби.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг умумий миқдори тоқ бўлиши ва 7 кишидан кам бўлмаслиги керак. Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг аниқ таркиби ва миқдорини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари белгилайди ва тасдиқлайди. Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўз ишларини жамоатчилик асосида олиб борадилар ва ҳеч қандай кўринишда ҳақ олмайдилар.

Агар овоз беришда жамоатчилик кенгаши аъзолари тасдиқланган таркибининг камида 2/3 қисми иштирок этса, кворумга эришилган ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгашининг ҳуқуқлари:

- ▲ Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолаш услубиятини тасдиқлаш;
- ▲ рейтинг иштирокчиси бўлган аудиторлик ташкилотларига юбориладиган саволлар рўйхатини тасдиқлаш;
- ▲ рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини молиялаш манбаларини белгилаш;
- ▲ рейтинг жадвалини тасдиқлаш;
- ▲ рейтинг ўтказиш бўйича Ишчи орган раҳбарини тасдиқлаш;
- ▲ Ишчи органни молиялаш манбаларини, рейтингда иштирок этиш баҳоларини тасдиқлаш ва Ишчи орган ҳисоботларини тасдиқлаш;

▲ рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

▲ якунлар тўлиқ рўйхати ва рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тасдиқлаш;

▲ рейтинг якунлари бўйича шикоятлар, рейтинг жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ва мулоҳазаларни кўриш;

▲ лицензияловчи давлат органининг ваколатли шахсига рейтинг ўтказиш учун материаллар аудиторлик ташкилотидан олинмаганлиги тўғрисида маълумот қилиш;

▲ рейтингни баҳолаш услубияти ва низом билан белгиланган қоидаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш.

Жамоатчилик кенгашининг мажбуриятлари:

◆ объектив, холис бўлиш, муайян аудиторлик ташкилотининг корпаратив манфаатларини кўзламаслик;

◆ ишчи орган ҳужжатларининг лойиҳалари, уларга доир таклифлар ва мулоҳазаларни 14 календарь кун мобайнида кўриш;

◆ рейтинг ўтказиш жараёнида ишчи органга таъсир кўрсатмаслик;

◆ рейтинг якунлари ҳисоб-китоби ва шакллантирилишидан кейин унинг рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқлигини текшириш;

◆ якунларнинг тўлиқ рўйхати ва рейтингнинг умумлаштирилган рўйхатини тасдиқлаш;

◆ масалаларни муҳокама қилаётганда жамоатчилик кенгаши аъзолари ўртасида ихтилофлар юзага келган ҳолларда уларни амалий ҳал этиш йўлларини излаш;

◆ навбатдаги рейтинг бошланиши олдида рейтинг ўтказиш жараёни ва рейтинг баҳолаш услубиятини такомиллаштириш имкониятини кўриш;

◆ жамоатчилик кенгаши ишида иштирок этиш вақтида олинган ахборотнинг махфийлигини сақлаш, уни учинчи шахсларга бермаслик;

- ♦ жамоатчилик кенгашининг иш хужжатларини юритиш ва сақлаш.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида, шунингдек рейтингни баҳолаш услубиятига доир ҳар қандай таклиф ва мулоҳазалари амалий, объектив бўлиши ҳамда рейтингни ўтказиш жадвалига мувофиқ рейтингни ўз вақтида ўтказишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Жамоатчилик кенгаши 14 календарь кун мобайнида Ишчи орган тақдим этган хужжат бўйича аниқ қарор қабул қила олмаса, ушбу хужжат Жамоатчилик кенгаши томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади. Жамоатчилик кенгаши раиси аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари орасидан сайланади, у ишчи органнинг раҳбари бўла олмайди.

Аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари биргаликда хўжалик юритувчи субъектни таъсис этадилар, унинг уставига кўра фаолиятининг асосий йўналиши республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтингини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш ҳисобланади.

Ишчи орган зиммасига қуйида саналган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш юкланади:

- ✍ рейтингни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- ✍ рейтинг ўтказиш учун саволнома ишлаб чиқиш;
- ✍ ишлаб чиқилган хужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик кенгаши аъзоларига юбориш, уларни умумлаштириш учун таклиф ва мулоҳазалар йиғиш;
- ✍ ишлаб чиқилган хужжатлар лойиҳаларини тасдиқлаш учун жамоатчилик кенгашига киритиш;
- ✍ саволномани республика аудиторлик ташкилотлари ўртасида тарқатишни ташкил қилиш;
- ✍ аудиторлик ташкилотларидан олинган материалларни рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқ йиғиш ва умумлаштириш;
- ✍ республика аудиторлик ташкилотлари рейтингини баҳолашни ўтказиш;
- ✍ рейтинг якунлари тўлиқ рўйхатини шакллантириш, рейтингнинг умумлаштирилган якунларига тушунтириш матнларини тайёрлаш;

✍ рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини Жамоатчилик кенгаши тасдиқлашига киритиш, хатолар ёки рейтингни баҳолаш услубиятидан четга чиқишлар аниқланган тақдирда уни дарҳол тузатиш чораларини кўриш;

✍ жамоатчилик кенгаши тасдиқлашига рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тақдим этиш;

✍ рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини тарқатиш учун материалларни тайёрлаш;

✍ рейтингнинг умумлаштирилган якунларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва тарқатишни ташкил этиш;

✍ рейтингни баҳолаш услубияти бўйича таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш, шунингдек рейтинг ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича шикоят ва таклифларни йиғиб, кейинчалик уларни жамоатчилик кенгаши кўриб чиқишига топшириш;

✍ шахсизлантирилган ва умумлаштирилган кўринишда аудиторлик хизматлари бозорининг таҳлилий ва маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш, шунингдек уларнинг якунларини тижорат асосида тарқатиш;

✍ ишчи органнинг иш ҳужжатларини юритиш ва сақлаш.

Ишчи органнинг рейтингни ташкил этиш ва ўтказишга доир барча ишлаб чиқилган ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низомни ва Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича ўзгартиришлар Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Аудиторлик ташкилотлари рейтингининг умумлаштирилган якунлари оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини аудиторлик ташкилотлари бевосита ишчи органдан оладилар. Ишчи орган аудиторлик ташкилотларидан олинган материалларни шахсизлантирилган ва умумлаштирилган кўринишда республика аудиторлик хизматлар бозорининг ҳолатини тавсифлайдиган таҳлилий материаллар ва маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш учун фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Рейтинг ўтказиш жараёни устидан вақтинчалик назорат ўрнатиш учун Жамоатчилик кенгаши рейтинг ўтказиш жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Жадвалда рейтингни ўтказиш бутун таомили кўрсатилади, у саволномани ишлаб чиқишдан бошланади, ахборот йиғиш ва умулаштириш, рейтинг ҳисоб-китоби, унинг натижаларини жамоатчилик кенгаши билан келишиш жараёнларини ўз ичига олади ва рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини республика аудиторлик ташкилотларига юбориш билан якунланади.

Рейтингнинг жорий даври учун Жадвал тасдиқланганидан кейин рейтингни баҳолаш тугаллангунига қадар Жамоатчилик кенгаши уни ўзгартиришга ҳақли эмас.

Рейтинг ўтказишнинг жорий даври деганда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг унинг якунлари бўйича улар фаолияти рейтинг баҳолари ҳисобланадиган аниқ ҳисобот даври тушунилади.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳисобот даври деб бундан аввалги ҳисобот даврининг якунлари ҳисобланади.

Ишчи орган рейтинг ўтказиш олдидан ҳар гал республика аудиторлик ташкилотларига юбориладиган, рейтинг ўтказиш учун саволлар рўйхатини ишлаб чиқади ҳамда Жамоатчилик кенгаш кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этади.

Саволлар республика аудиторлик ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолиятини тавсифлаши барча аудиторлик ташкилотлари учун бир хил бўлиши талаб этилади. Жавоби аудиторлик ташкилотларининг маълумотлар махфийлигини сақлаш ҳуқуқини камситиши мумкин бўлган саволлар рўйхатга Жамоатчилик кенгашининг қарорига кўра, махфийликни сақлаш ва улардан ишчи орган шахссизлаштирилган (умумлаштирилган) кўринишда фойдаланиш шарти билан, киритилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган материалларни тасдиқлаш учун ишчи орган Жамоатчилик кенгаши билан келишган ҳолда уларнинг молия ҳисоботини (1-5-шакллар), шунингдек саволлар рўйхатига

кирадиган, молиявий ҳисоботда акс этмаган маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари Ишчи орган Жамоатчилик кенгашининг кўрсатмасига кўра ҳар гал тақдим этилган материалларнинг тўғрилигини бевосита аудиторлик ташкилотларида текшириш ҳуқуқи ҳам мавжуд. Рейтингни баҳолаш услубияти рейтингнинг жорий даври учун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдир ва сифат кўрсаткичларини умумлаштириш ҳамда таққослашга йўналтирилган ҳужжат ҳисобланади. Услубиятда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдир ва сифат кўрсаткичлари улар ўхшашлиги аломатларига боғлиқ ҳолда гуруҳларга бўлинади, улар рейтинг мақсадларида “параметр” деб номланади. Ҳар бир параметр аудиторлик ташкилоти фаолияти якунларининг бир нечта мақдор ва сифат кўрсаткичларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда рейтинг коэффиценти деб аталади. Рейтинг якунлар ҳисоб-китоби давомида ҳар бир коэффицентга муайян баллар берилади, улар кейинроқ ҳар бир параметр бўйича умумий бал ҳисоб-китоби учун ўртача миқдорга келтирилади. Барча параметрларнинг умумий балларини ўртачалаштириш воситасида аудиторлик ташкилотининг умумий якуний рейтинг бали чиқарилади. Коэффицентлар ва параметрларнинг аниқ рўйхати, умумлаштирилган ва ўртачалаштирилган баллар ҳисоб-китоби тартиби рейтингни баҳолаш услубиятида келтирилади.

Аудиторлик ташкилотлари миллий рейтинги асосида республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тавсифловчи таққосланадиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари қўйилган. Ҳар бир алоҳида олинган коэффицент бўйича аудиторлик ташкилотларининг энг яхши кўрсаткичлари эталон деб ҳисобланади. Бошқа аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг натижалари бўйича олинган коэффицентлар ушбу эталон билан солиштирилади.

Рейтингда аудиторлик ташкилотлари ёки аудиторлик–консалтинг гуруҳларининг аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмалари иштирок этадилар.

Аудиторлик ташкилотлари рейтинги лицензия турига боғлиқ ҳолда гуруҳлар бўйича ўтказилади.

•барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари «А» индексини оладилар;

•хўжалик юритувчи субъектларнинг, бундан устав капитали 500 млн сўмга кўп бўлган ОАЖлар, банклар ва суғурта ташкилотлари мустасно, ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлар «В» индексини оладилар;

•фақат ташаббусли аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари «С» индексини оладилар.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидаги параметрлар ва коэффициентларга гуруҳланади (6-Чизма):

1. Миқёслилик (K_m) 0,2

♦ устав капитали миқдори шакллантириш санасида энг кам иш ҳақи миқдorigа каррали миқдорда (M_1);

♦ бажарилган бир шартноманинг ўртача қиймати (M_2);

♦ жами тушум (M_3);

♦ соф фойда (M_4);

♦ юридик шахс ҳисобланмаган ташкилотлар миқдори (M_5);

♦ ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб этиб бажарилган аудиторлик хизматлари хажми;

♦ ёрдамчи пудрат асосида бажарилган аудиторлик хизматлари хажми.

2. Кадрлар салоҳияти (K_k) 0,03

♦ ташкилот раҳбарини муваффақиятли аттестациялаш (K_1);

♦ сертификатланган аудиторлар сони (K_2);

♦ халқаро тан олинган сертификатли мутахассислар миқдори (K_3);

♦ аудит бўйича ички стандартлар ва ўз ўқув-услубий қўлланмаларининг мавжудлиги (K_4);

♦ штатда халқаро аудит тажрибасига эга бўлган аудиторларнинг мавжудлиги (K_5);

♦ аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида штатдаги аудиторларнинг ўртача иш стажи (K_6).

3. Фаолиятни диверсификациялаш (Кд) 0,2

- ♦ ўтган йилга нисбатан тушумнинг ўсиши (Д1);
- ♦ халқаро лойиҳалар аудити. МҲҲС ва ХАС бўйича хизматлар (Д2);
- ♦ кредит муассасалари аудити (Д3);
- ♦ суғурта ташкилотлари ва инвестиция институтлари аудити (Д4);
- ♦ устав капитали 500 млн сўмдан зиёд бўлган акциядорлик

жамиятлари аудити (Д5).

4. Имиджни йўқотмаслик (Кн) 0,05

- ♦ реклама ва вакиллик харажатлари миқдори (Н1);
- ♦ касбий ташкилотларга аъзолик (Н2);
- ♦ ўз офисининг мавжудлиги (Н3);
- ♦ офисни ижарага олиш харажатлари (Н4);
- ♦ оммавий фаолият (чоп этилган мақолалар, китоблар, семинарлардаги

чиқишлар, дарс бериш) (Н5).

5. Барқарорлик (Кб) 0,25

- ♦ соф активлар миқдори (Б1);
- ♦ уларнинг услубиятидан фойдаланиш ва уларнинг сифат ташқи

назорати тизимидан ўтиш ҳуқуқи билан бирга Аудиторлик ташкилотларининг халқаро ва миллий тармоғига киритиш (Б2);

- ♦ сифатнинг ташқи назоратидан ўтиш (Б3);
- ♦ кадрларни тайёрлаш харажатлари (Б4);
- ♦ аудит бозоридаги фаолият муддати (Б5);
- ♦ штатдаги аудиторлар иш ҳақининг ўртача миқдори (Б6).



7-Чизма. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш мезонлари

Аудиторлик ташкилотларининг рейтинги аудиторлик ташкилотларини демпинг сиёсатини қўлламаслик, касбий ташкилот аъзоси бўлиш, ўз фаолиятини пухта ва ошкора амалга ошириш, ўз кадрлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўз фаолиятини диверсификациялашга қизиқтиришга йўналтиради.

Умумий кўринишда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг таққосланадиган рейтинг баҳоси алгоритми қуйидаги амалларнинг кетма–кетлиги кўринишида тақдим этилади:

1. Аудиторлик ташкилотларининг маълумотлари матрица (a_{ij}), яъни сатрлар бўйича параметрлар номи ($i=M, K, D, H, B$), устунлар бўйича эса аудиторлик ташкилотлари номи ($j=1, 2, 3, \dots, m$) ёзилган жадвал кўринишида тақдим этилади.

2. Ҳар бир параметр бўйича энг юқори қиймат жойлашади ва шартли эталон аудиторлик ташкилоти устунига киритилади ($m+1$).

3. Матрицанинг бошлагич кўрсаткичлари эталон j -нчи аудиторлик ташкилотининг тегишли кўрсаткичига нисбатан қуйидаги формула бўйича стандартлаштирилади:

$$x_{ij} = \frac{a_{ij}}{\max_j a_i}$$

бу ерда – j -нчи аудиторлик ташкилоти ҳолатининг стандартлаштирилган кўрсаткичлари.

4. Ҳар бир таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилоти учун унинг рейтинг баҳоси қиймати қуйидаги формулалардан бири бўйича аниқланади:

$$R_j = \sqrt{a_{1j}^2 + a_{2j}^2 + \dots + a_{mj}^2} \quad (A),$$

$$R_j = \sqrt{k_1 a_{1j}^2 + k_2 a_{2j}^2 + \dots + k_m a_{mj}^2} \quad (B),$$

$$R_j = \sqrt{k_1 (1 - x_{1j})^2 + k_2 (1 - x_{2j})^2 + \dots + k_m (1 - x_{mj})^2} \quad (C)$$

бу ерда $x_{1j}, x_{2j}, \dots, x_{mj}$ j -нчи таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилотининг стандартлаштирилган кўрсаткичлари ва $k_1, k_2, \dots, k_m$ параметрлар кўрсаткичларининг вазн коэффициентлари.

(А) формуласи j -нчи таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилоти учун рейтинг баҳосини координаталар бошидан энг кўп узоқлашувчи бўйича аниқлайди. Бир томонга йўналган барча кўрсаткичлар бўйича жами натижаси қолганлариникидан юқори бўлган аудиторлик ташкилоти энг юқори рейтингга эгадир.

(В) формуласи (А) формуласининг бир туридир. У эксперт йўли билан аниқланадиган кўрсаткичларнинг аҳамиятини ҳисобга олади. Айрим

коэффициентлар учун кўрсаткичларни жорий этиш зарурати рейтинг истеъмолчиларининг эҳтиёжларига мувофиқ табақалаштирилаётганда пайдо бўлади.

(С) формуласи ҳам рейтинг асосий формуласининг ўхшаш тури ҳисобланади. У аудиторлик ташкилоти –эталонга нисбатан рейтинг баҳоси ҳисоб –китобида айрим кўрсаткичларнинг аҳамиятини ҳисобга олади.

5. Аудиторлик ташкилотлари рейтинг баҳоси ўсиш тартибида ҳисобга олинади. R энг кўп қийматига эга бўлган аудиторлик ташкилоти энг юқори рейтингга (1 ўрин) эга бўлади.

Услугият аудиторлик ташкилоти фаолиятига баҳо беришда комплекс, кўп ўлчовли ёндашувга асосланади. Рейтинг баҳоси аудиторлик ташкилотларининг расман олинган ҳисоботлари (материаллари) асосида амалга оширилади. Унинг ҳисоб-китоби учун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан фойдаланилади. Шунингдек ҳар бир кўрсаткич, параметрнинг аҳамиятини белгилайдиган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

2007 йилда ўрнатилган тартибга мувофиқ аудиторлик ташкилотлари сони 2001-2005 йилларга нисбатан ошди, яъни 393 тадан 626 тага етди. Сертификатли аудиторлар сони эса мазкур йилларда 959 кишидан 4190 кишига етди. 2006 йилдан бошлаб аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга қўйиладиган лицензия ва сертификат талабларининг оширилиши муносабати билан уларнинг сони ўтган йилларга нисбатан камая бошлади. 2006-2010 йилларда аудиторлик ташкилотлари сони 106 тани ва аудиторлар сони 640 кишигача камайди (1-жадвал).


2001-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотлари ва сертификатли аудиторлар сони⁸ (йил охирига)

ЙИЛЛАР	АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ СОНИ	СЕРТИФИКАТЛИ АУДИТОРЛАР СОНИ
2001	393	959
2005	626	3925
2006	565	1772
2007	53	1362
2008	133	1137
2009	113	787
2010	106	640



1-Диаграмма. Ўзбекистон Республикасида 2001-2010 йиллар мобайнида сертификатли аудиторлар сонининг динамикаси

⁸ www.norma.uz




2-Диаграмма. Ўзбекистон Республикасида 2001-2010 йиллар мобайнида аудиторлик ташкилотлари сонининг динамикаси

Юқоридаги маълумотларга кўра аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сонининг динамикасидаги ўзгаришни уларга қўйилган лицензия ва сертификат талабларининг ўзгаришида ва оширилишида кўриш мумкин, яъни 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низомнинг қабул қилиниши ва кейинги йилларда унга ўзгартиришлар киритиши сабабли уларнинг миқдори сифат томонга ўзгарди.

Ўзбекистон Молия вазирлиги веб-сайти маълумотларида келтирилишича, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамызда 106 та аудиторлик ташкилоти фаолият кўрсатиб, улар лицензия турига кўра қуйидагича жойлашган (2-жадвал):

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг республика ҳудуди бўйлаб жойлашуви

№	Республика вилоятлари бўйича	Аудиторлик ташкилотлари сони	Лицензия турлари			Аудиторлар сони
			1-дар.	2-дар.	3-дар.	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2			2	8
2	Андижон вилояти	5	5			34
3	Бухоро вилояти	2	1		1	8
4	Жиззах вилояти	1		1		4
5	Қашқадарё вилояти	5	3		2	20
6	Навоий вилояти	1			1	2
7	Наманган вилояти	4	2		2	17
8	Самарқанд вилояти	4	1	1	2	19
9	Сурхондарё вилояти	2		1	1	5
10	Сирдарё вилояти	2	1	1		9
11	Тошкент вилояти	3	1	1	1	11
12	Фарғона вилояти	9	7	2		52
13	Хоразм вилояти	3	1	2		10
14	Тошкент шаҳри	63	43	7	13	367
	Жами:	106	65	16	25	566



3-Диаграмма Аудиторлик ташкилотларининг ҳудудлар бўйича тақсимои

Жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, аудиторлик ташкилотлари умумий сонидан 59,4% Тошкент шаҳрида, 8,5 % Фарғона вилоятида ва 4,7% Андижон ва Қашқадарё вилоятида, 3,7% Самарқанд ва Наманган вилоятида жойлашган.

Аудиторлик ташкилотлари умумий сонининг 61,3% ни 1-даражадаги лицензияга эга бўлган ташкилотлар бўлиб, бу барча хўжалик субъектларига хизматлар таклиф этишга имкон беради. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 25% ни ташкил этиб, республика бўйича эса 1,5% ни ташкил қилади. Республикамиздаги аудиторлик ташкилотларининг 23,6% и 3-даражали лицензияга эга бўлиб, Самарқанд вилоятида бу турдаги аудиторлик ташкилотлари республика бўйича 8% ни ташкил этади.

Аудиторлик ташкилотлари ва Молия вазирлиги веб сайтида келтирилган маълумотларни бир-бирига солиштирганда шуни кўриш мумкинки, 640 нафар сертификатланган аудиторлардан фақат 566 нафари аудиторлик ташкилотларида ишлайди. 74 киши давлат органларида ва бошқа хўжалик субъектларида меҳнат қилади.

Аудиторлар умумий сонидан 64,8% и Тошкент шаҳрида , 9% и Фарғона вилоятида, 6%и Андижон вилоятида, 3,5% и Қашқадарё вилоятида ва 3,4% и Самарқанд вилоятида қайд этилган аудиторлик ташкилотларида ишлайди.

2.2 Халқаро ва миллий аудиторлик ташкилотлари рейтинг кўрсаткичларининг ҳолати

Аудиторлик компаниялари аслида қандай эҳтиёжларни қондириши ва бизнесдаги омадини асосий омили нима билан боғлиқ эканлигини яхшироқ тушуниш учун аудитнинг ривожланиш тарихига назар ташлаш лозим.

Аудит, ўзининг замонавий бизнесдаги маъно ва моҳиятида қарийб юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида мавжуддир. Аудитнинг юзага келиши капитализмнинг ривожланиши, йирик капиталнинг пайдо бўлиши ва акционерлик жамиятларининг юзага келиши билан боғлиқ. Айнан шу даврда корхоналарни бошқарувчилари ва эгаларининг манфаатларини ажралиши рўй берди. Шунинг билан ҳисоб юритилишининг тўғрилигини текширувчи ва бу ҳақида компания эгаларига ҳисобот берувчи мустақил ҳакамга бўлган зарурат туғилди. Шу тарзда аудиторларнинг асосий вазифаси корхонадаги молиявий ҳисоб юритилишининг тўғрилигини тасдиқлаш орқали мулкдор манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб қолди. Аммо аудиторлар ҳисобнинг тўғри юритилишини текшириш тўғрисидаги бевосита ҳисоботдан ташқари ушбу ҳисоботга муайян номоддий активни, аниқроқ қилиб айтганда, ўз мавқеини қўшади. Ҳозирги кунда юзлаб аудиторлик компаниялари аудиторлик текширувини ўтказиш методикасига эга, лекин умум тан олинган етакчилар бор-йўғи тўртта. Ушбу компаниялар «Катта тўртлик» номи билан танилган бўлиб, улар таркибига Pricewaterhouse Coopers, Deloitte, KPMG ва Ernst & Young компаниялари киради. Хўш, нима сабабли ушбу тўрт компания бошқа аудиторлик компанияларидан кескин фарқ қилади? Бизнингча, бунинг икки сабаби бор:

биринчидан, бу кўп йиллик тажриба ва орттирилган мавқеи;

иккинчидан, бу компанияларнинг ходимлари сони.

«Катта тўртлик» компанияларининг бизнесдаги мавқеи ўн йиллар давомида шаклланган бўлиб, баъзиларининг тарихи бир ярим асрга бориб тақалади.

Ғарб мамлакатларида ўн минглаб Аудиторлик ташкилотлари (фақат АҚШнинг ўзида қирқ беш мингдан кўп) фаолият кўрсатадилар. Булар хилма-хил бўлиб, бир кишидан ёки бир неча қасамёд қилган бухгалтерлардан иборат (бундай

фирмалар 90-95%). Хусусий фирмалардан тортиб, то трансмиллий корпорациялар ҳисобланган ва халқаро аудит амалиётида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган, йирик аудиторлик ташкилотлари ҳам мавжуд. Ғарбдаги йирик корпорациялар томонидан аудиторлик хизмати бозорида ҳукмронлик ўрнатилиши ва ўтган XX асрда капиталнинг байналминаллашиши ҳам аудиторлик ташкилотларининг ролини янада оширди. Биринчи трансмиллий аудиторлик корпорациялари, монополистлар вужудга келди ва кучли мавқега эга бўлдилар (асосан, иккинчи жаҳон урушидан кейин). Бунга мисол «катта саккизлик» бўлиб, у кейинчалик тегишли ўзгариш (трансформация)лардан сўнг, аввал «олтилик»га айланган ва 1998 йилдан бошлаб эса «катта бешлик» деб аталмоқда. Кўплаб мамлакатларнинг обрўли профессионал ва ишчан нашрлари вақти-вақти билан етакчи аудиторлик-консультацион фирмаларнинг (миллий ҳамда трансмиллий) рўйхатини эълон қилиб турадилар. Ушбу рўйхатларнинг кўпчилиги уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳар хил статистик маълумотларни ўз ичига олади. Бу маълумотлар вақти-вақти билан янгиланиб турилади.

Бундай нашрлар кўп ҳолларда уларнинг муаллифларига аудиторлик-консультацион фирмаларни маълум кўрсаткичлар бўйича табақалаштиришга имкон беради. Кўпинча аудиторлик ташкилотларини бундай табақалаштириш йиллик даромад ҳажми ёки аудиторлар сони ва ҳ.к. бўйича амалга оширилади. Ҳозирда етакчи аудиторлик-консультацион фирмаларга айланган, трансмиллий корпорациялар бўйича, бундай рўйхатларда, одатда, улар фаолият кўрсатаётган мамлакатлар сони ҳам кўрсатилади. Албатта, ушбу кўрсаткичлар кўпинча нафақат статистикани, балки шунга ўхшаш рейтинг кўрсаткичларида келтириладиган динамикани ҳам тавсифлайди.

Шундай қилиб, аудиторлик фаолиятининг ривожланиши йирик **трансмиллий фирмалар**нинг вужудга келишига олиб келди. Бундай Аудиторлик ташкилотлари ичида энг йириклари қуйидагилар:

1. «Прайс Уотерхаус Куперс (Price Waterhous Coopers) – Англия-Америка
2. «Делоит ва Туш» (Deloitte and Touch) – Америка–Япония
3. “Эрнст ва Янг” (Ernst and Young) – Шотландия

4. “КПМГ” (KPMG), шу жумладан Peat Marwick, ВДО ва бошқалар.

Улар ҳақиқатан ҳам бутун дунёда обрў қозонган монополистлар бўлиб, санаб ўтилган тўртта фирма жамланган ҳолда – халқаро аудиторлик-консультацион бизнеснинг тан олинган ва тажрибали лидери ҳисобланади.

Бу фирмаларнинг ҳар бири турли мамлакатларда кўплаб офисларга эга бўлиб, уларнинг барчаси қасамёд қилган бухгалтерлар институтининг аъзоси ҳисобланади. «Катта тўртлик» йирик мижозларнинг тахминан 90% ига хизмат кўрсатади. Бу фирмалар йирик халқаро лойиҳаларни бажариш имконига эга бўлиб, деярли барча турдаги консультация-аудиторлик хизматларини кўрсатади. Агар ўз ходимлари етишмаса, бошқа фирмалардан зарур мутахассислари, шу жумладан, бундай лойиҳаларни бажаришда иштирок этиш учун иқтисодий-ҳуқуқий хусусиятлари билан яхши таниш бўлган тадбиркорлар ёки у ёки бу мамлакатнинг ҳокимият ходимлари ҳам жалб қилинади.

Аммо улар ҳам Ғарб мамлакатларида бутун аудиторлик бозорини қамраб ололмайди. Бундай йирик, жаҳон аудиторлик фаолиятида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган ва трансмиллий корпорациялар ҳисобланган фирмалардан ташқари, деярли ҳамма мамлакатларда ўрта фирмалар ҳамда аудитдан ажралиб чиққан аутсайдерлар мавжуд. Бундай унча катта бўлмаган аудиторлик ташкилотлари давлат томонидан қўллаб-қувватланса, улар яхши фаолият кўрсатадилар.

Pricewaterhouse Coopers компанияси ўзининг асосий маҳсулотларидан бири обрў-эътибори эканлигини чуқур англаган ҳолда, «Оскар» мукофотига номзодлар ҳисобини юритиш бўйича буюртмани қўлга киритди ва бу билан аудит методикаларининг янги бозорини очиб берди. Дунёдаги юзлаб аудиторлик компаниялари ҳам «Катта тўртлик» компанияларидан ёмонроқ хулоса беришади деб бўлмайди, лекин кўпчилик мижозлар уларнинг мавқеи учун кўпроқ ҳақ тўлашга рози бўлишади.

Шундай тўхтамга келиш мумкинки, «Катта тўртлик» компанияларининг ҳар бири бўйича ҳисобланган гудвил суммаси бир неча миллиард долларни ташкил этиши муқаррар. Бундан келиб чиқадаки мазур компанияларнинг мавқеи-рейтинги улар мижозларининг ошиб оришига асосий сабаб ҳисобланади.

Одатда, учинчи томонлар олдида ўз имиджини яхшилашга уринган корхоналар қуйидаги ҳолларда бундай компанияларга аудитни буюртма қилишади:

1. Халқаро фонд бозорларига чиқиш;
2. Тўғри инвестицияларни жалб қилиш;
3. Янги ҳамкорлар билан яқин алоқалар ўрнатиш;
4. Давлат тендерларида иштирок этиш;
5. Янги бозорларга чиқиш ва ҳ.к.

«Катта тўртлик» компанияларининг рейтинги бундай буюртмаларни олишга имкон беради. Бунда компания рейтингининг ўзига хос доиравий айланиши тўғрисида фикр юритиш мумкин. Йирик трансмиллий компаниялар «Катта тўртлик» компанияларининг мижозлари рўйхатидан жой олиши билан уларнинг рейтингини оширади, бу эса янада кўпроқ мижоз орттириш имконини беради. Аудиторлик компаниялари ўз мавқеини ўзининг «кичик» бюджетли мижозларига ўтказди. Аудиторлик компаниясининг ходимлари ишдан бўшаганда компания рейтингининг бир қисмини ўзлари билан олиб кетишади. Ушбу доиравий айланишда, албатта сифатли текширув шарти билан, компания рейтинги «эскирмайди» ва «амортизацияланмайди».

Аммо, учинчи томонлар кутадиган мустақиллик ва объективлик принципларидан ҳар қандай оғишишлар оқибатида аудиторлик компаниялари рейтингига катта путур етиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бундан ташқари, «Катта тўртлик» компаниялари ўртасида фарқланишнинг тобора камайиб бориши сезилмоқда. Бунда ҳар бир мижоз учун кескин кураш кетишини кузатиш мумкин. Масалан, йирик трансмиллий компаниялар тендер асосида аудиторлик компаниясини танлаши мумкин. Чунки, кўпчилик компаниялар учун айнан PricewaterhouseCoopers ёки Deloitte нинг эмас, балки «Катта тўртлик» компанияларидан бирининг хулосаси керак.

Республикамизда аудиторлик ташкилотлари рейтингини ўтказиш ва уларни белгиланган тартибда расмийлаштириш МЧЖ «Аудитрейтинг» зиммасига юкланган. Аудиторлик ташкилотлари ҳар йили белгиланган шаклда ўз фаолияти

ва унинг натижалари, ходимлари ва уларнинг иш стажлари, малака сертификатлари тўғрисида маълумот тайёрлаб, МЧЖ «Аудитрейтинг» ташкилотига жўнатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Қонуни ва «Аудиторлик ташкилотларини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатилаётган хизматлар учун жавобгарлигин ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелда қабул қилинган Президент қарорига кўра аудиторларнинг профессионал жамоат ташкилотлари «Аудит-рейтинг» МЧЖ билан ҳамкорликда 2010 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотлари фаолиятини рейтинг баҳолашди. Рейтинг ўтказилиши ва рейтинг якунларининг чиқарилиши Молия Вазирлиги, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар профессионал уюшмалари вакилларидан иборат Жамоатчилик кенгаши назоратида амалга оширилди.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг 2010 йил якунлари бўйича рейтинг баҳолари қуйидаги вазн коэффициентларига асосланган. (3-жадвал)

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш мезонлари⁹

3-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Вазн коэффициенти
1	Соф тушум	25,3
2	CAP, CIPA, CGA, CHF, ACCA, DipIFR CAP халқаро сертификатларига эга бўлган мутахассислар сони	10,9
3	1 нафар аудиторга тўғри келувчи соф тушум	9,6
4	Аудиторларнинг ўртача меҳнат стажи	9,4
5	Бозордаги фаолият муддати	9,1
6	Аудиторларнинг мутахассислар умумий сонидagi улуши (мутахассислар=аудиторлар+аудиторлар ёрдамчилари)	9,1
7	Тушумнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши	8,4
8	Устав капитали маблағларини ишлатиш даражаси (соф фойда/устав капитали)	6,6
9	Профессионал ташкилотларга аъзолик	5,9
10	Ташқи сифат назоратидан ўтиш	5,7
	жами	100

Аудиторлик ташкилотлари рейтинги лицензиялар турларига қараб гуруҳлар бўйича ўтказилди:

-барча хўжалик субъектларида аудиторлик текширувини ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари «1-гуруҳ» индесини олишди;

⁹ Аудитор журнали 2011 йил май №5(12) 1-бет

-ОАЖ, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик субъектларида ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари «2-гурух» индексини олишди;

-фақат ташаббусли аудиторлик текширувлари ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари «3-гурух» индексини олишди;

-халқаро аудиторлик ташкилотлари «4-гурух» индексини олишди.

Ҳар бир гуруҳ бўйича аудиторлик ташкилотига рейтинг ўрни қуйидаги олинган баллар асосида ҳарfli баҳо кўринишида берилди:

- 1) A1 – 65 дан ортиқ
- 2) A2 - 55 дан 65 гача
- 3) B1 – 45 дан 55 гача
- 4) B2 – 35 дан 45 гача
- 5) C1 – 25 дан 35 гача
- 6) C2 – 25 ва ундан паст

Қуйида 2010 йил якунларига кўра республика аудиторлик ташкилотларининг гуруҳлар бўйича рейтинги ҳақида ахборот келтирилган.

Якуний рейтинг

4-жадвал

Аудиторлик ташкилоти номи	Рейтинг баҳоси
МЧЖ "FTF-AUDIT"	A1

МЧЖ "HOLIS GURUH"	A1
МЧЖ "BUXGALTER-AUDIT"	A1
МЧЖ "TSIAR-FINANS"	A1
МЧЖ "Dok-audit"	A1
"MAK ALYANS-AUDIT" МЧЖ	A1
"AUDIT" ХК	A1
МЧЖ "IMPULS AUDIT"	A1
МЧЖ "MARIKON AUDIT"	A2
МЧЖ "ARHAT-AUDIT"	A2
"AUDIT INCOME" МЧЖ	A2
МЧЖ "Konsaudit-adolat"	A2
МЧЖ "TRAST-AUDIT"	A2
МЧЖ "АУДИТ-ВАРН"	B1
МЧЖ . "Fineks"	B1
. . МЧЖ "TRI-S-AUDIT"	B1
МЧЖ . "TTT-AUDIT"	B1
МЧЖ "GLOBAL-AUDIT"	B1
МЧЖ агентствo "KONSAUDITINFORM"	B1
МЧЖ . "Marhamat-audit"	B1
. "GLORIYA-AUDIT" . МЧЖ	B1
. "AUDIT GLOBAL MA'LUMOT" . МЧЖ	B1
МЧЖ "KORIFEY-AUDIT"	B1
. "ZIYO-AUDIT" . МЧЖ	B1
. "QASHQADARYOKONSAUDITINFORM" . МЧЖ	B1
МЧЖ . "ODIL-AUDIT"	B1
"OSIYO-AUDIT" . МЧЖ	B1
МЧЖ "AUDIT-KANON"	B1
МЧЖ "ERKIN-AUDIT-XXI"	B1
МЧЖ . "HIMOYA-AUDIT"	B2
МЧЖ "TRANS-AUDIT-A"	B2
МЧЖ "AMULET-AUDIT"	B2
МЧЖ "FORTIS-AUDIT"	B2
"AUDIRES"	B2
МЧЖ . "AUDIT-RUMANS"	B2
МЧЖ "EKOAUDIT"	B2
. "JAVLON AUDIT SERVIS" . МЧЖ	B2
. "Kafolat-Lyuks" . МЧЖ	B2

МЧЖ "LEKSAN INFO"	B2
МЧЖ . "KOMIL-ISHONCH"	B2
МЧЖ "ZAMIN OIL-AUDIT"	B2
МЧЖ "DAVR"	B2
. "XB FINANSE KONSULTING" . МЧЖ	B2
. "AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK" . МЧЖ	B2
МЧЖ . "PROKAR EKSPERT AUDIT"	B2
. " NAZORAT-AUDIT" . МЧЖ	B2
. "DIPLOMAT-AUDIT" . МЧЖ	B2
. "PROM AUDIT" . МЧЖ	B2
МЧЖ "SAMIMIY-HULOSA"	C1
. "ASL-MOLIYA TAXLIL" . МЧЖ	C1
. "KAMILA-AZIM AUDIT" . МЧЖ	C1
. "AMIR-AUDIT" . МЧЖ	C1
. "AUDIT MAXIMA" . МЧЖ	C2
. "HOMBUR-AUDIT" . МЧЖ	C2
МЧЖ "IQTIDOR-AUDIT-INFORM"	C2
МЧЖ "ELITE INVEST RENOME AUDIT" (бывш.	C2
МЧЖ "ELITE INVEST AUDIT")	C2
МЧЖ "Audit-AS"	
2- гурух	
. "ZORG" . МЧЖ	A2
. "AUDIT-KIM" . МЧЖ	A2
. "SIFAT-AUDIT" . МЧЖ	B2
. "FABA-EXPERT" . МЧЖ	B2
МЧЖ "MASLAXATAUDIT-M"	B2
МЧЖ "Урганч-Аудит"	B2
. "Xarakat-audit" . МЧЖ	B2
МЧЖ . "STANDART-AUDIT"	C1
. "LII MRO" . МЧЖ	C1
МЧЖ "ORIENT AUDIT GROUP"	C1
3-гурух	
МЧЖ "AUDIT-SERVICES LTD"	A1
МЧЖ "MASLAHAT-HARAKAT"	A1
МЧЖ "TAT-Audit"	A1
. "SATA-AUDIT" . МЧЖ	A2
МЧЖ "Liga-audit" .	A2
МЧЖ . "IFAT-AUDIT"	B1

МЧЖ . "KK-AUDIT-SERVIS"	B1
. "VER AUDIT" . МЧЖ	B2
МЧЖ "MIRZO ANVAR"	B2
. "Xaqiqatbek audit servis" . МЧЖ	B2
. "AUDIT-UMMON" . МЧЖ	C1
. "Vodiy-M" . МЧЖ	C1
. "DJAALI" . МЧЖ	C1
. "BUSINESS AUDIT TODAY" . МЧЖ	C1
МЧЖ . "VOJIB-AUDIT"	C1
. "SHARQIY MASLAK" . МЧЖ	C1
. "SAM KELAJAK AUDIT" . МЧЖ	C2
4-группа	
"PraysvoterxausKupers"	A1
МЧЖ "Deloitte va Touche"	A1
МЧЖ "ERNST & YOUNG"	A2

2.3. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини ошириш йуллари

Рейтинг аудит соҳасида ҳам кенг қўлланилиб, фаолиятни «кўринмас қўл» орқали дивесификация қилиш воситасига ҳам айланиб улгурди, ҳамда ўз олдига аудиторлик ташкилотларининг фаолиятига сифатли баҳо бериш, аудиторлик хизматларининг бўлғуси фойдаланувчиларига ҳар бир аудиторлик ташкилоти аудиторлик хизматларининг салоҳияти ва сифат даражаси тўғрисида ишончли ва холис ахборот тақдим этиш мақсадини қўйди.

Рейтинг кўтарилиши ва пасайиши ташкилотнинг ривожланиш динамикасини белгилайди. Ҳар бир ташкилотнинг рейтинг индекси алоҳида, индивидуал бўлиши шарт. Ушбу ёндашув ҳар бир аудиторлик ташкилотини алоҳида тизимли таҳлил қилишга шароит яратади. Таҳлил натижасида аудиторлик фаолиятининг умумий, комплекс ривожланиш истиқболини белгилаш мумкин. Бизнингча, рейтингни аниқлаш методикаси механизмини интернет тизимидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, у биринчи вақтни тежаш имконини берса, иккинчидан иқтисодий жиҳатдан самаралидир.

Республикамизда аудиторлик ташкилотлари рейтингини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича меъёрий ҳуқуқий асос яратилди. Уни ўтказиш услубияти ҳам ишлаб чиқилган, лекин адиторлик ташкилотлари рейтингин ошириш йўллари ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Мисолимиздаги аудиторлик ташкилотларида рейтинг кўрсаткичларини ошириш бўйича етарли эътибор берилмаган. Бу аудиторлик ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичларини ўрганиш натижасида уларни ошириш бўйича қуйидаги ишларни амалга оширишни тавсия қиламиз:

1. Оммавий ахборот воситалари (интернет, журналлар, телевидения)дан фойдаланиб реклама ишларини сифатли амалга ошириш.
2. Касбий фаолиятга оид йиғилиш ва анжуманларда иштирок этиш.
3. Республика ва вилоят миқёсидаги иқтисодиётни ислоҳ қилишга йўналтирилган семинарларда фаол катнашиш.
4. Халқаро тоифадаги фаолиятларни йўлга қўйиш.

5. Ҳар бир аудиторлик ташкилоти ўзининг стационар офисига эга бўлишини таъминлаш.

6. Ташкилотдаги аудиторларнинг касбий маҳоратини ошириш юзасидан ишларни амалга ошириш.

7. Олий ўқув юртлари, касб ҳунар коллежлари ва умуман ихтисослик йўналишлари бўйича таълим соҳалари билан ҳамкорликда ишлаш каби рейтингни ва фаолият сифати, самарадорлигини оширувчи воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Умумий ҳолда рейтингни баҳолаш услубияти бўйича қуйидаги тавсияларни берамиз:

- рейтинг кўрсаткичларини шакллантиришда уларни сифат ва миқдор кўрсаткичларига ажратиш;

- рейтинг бўйича эталон кўрсаткични аниқлашнинг оптимал шаклини излаб топиш;

- халқаро тажрибаларни ҳам умумлаштириб миллий рейтинг кўрсаткичларини шакллантириш.

Фикримизча рейтинг жараёнини ташкил этиш ва ўтказишда юқоридаги тавсияларни эътиборга олса, рейтингнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш баробарида аудиторлик ташкилотлари кўрсатаётган хизматларнинг сифатини мунтазам равишда изчил оширишга йўналтирилган чораларни белгилашга кўмак беради.

III-бoб. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ

3.1 Аудиторлик ташкилотларида иш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини аниқлаш масалалари

Аудиторлик текшируви натижаларидан фойдаланиб, қарорлар қабул қилиш ва қарорлар самарали эканлиги жуда кўп омилларга боғлиқ, шулардан бири ва энг асосийси, бу аудиторларнинг меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Умумий олганда меҳнат унумдорлиги жуда кенг тушунчадир.

Мазмуни жиҳатдан меҳнат унумдорлиги ҳажми бўйича бутун иқтисодиётни, тармоқ, корхона, иш ўрни, алоҳида маҳсулотни қамраб олади. Моҳияти бўйича белгиланган вақт ичида олинган маҳсулот билан намоён бўлади. Биз бу кўрсаткични ишлаб чиқариш корхоналарида эмас, балки хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўрнини ёритишга ҳаракат қиламиз, яъни аудиторларнинг меҳнат унумдорлиги ва уни ўрганишнинг зарурати ҳамда аҳамияти ҳақида.

Аудиторлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаб чиқаришнинг зарурати қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

✍ Иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга оширилаётган бир шароитда аудиторлик ташкилотлари ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши лозим;

✍ Аудиторлик фаолиятида инсон омили биринчи ўринда туради, чунки таваккалчиликни инсон амалга оширади ва аудит натижаларидан ҳам инсон қарор қабул қилиш учун фойдаланалади;

✍ Рақобат шароитида аудиторлик ташкилотлари учун ишлатилмаётган, яширин резервларни қидириш ва уларни фаолият жараёнига сафарбар қилиш зарур;

✍ Аудиторлик фаолиятида самарали рағбатлантироиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини яратиш учун;

✍ Аудиторлик фаолиятида жонли ва жонсиз меҳнат ресурслари ўртасидаги мутаносибликни тартибга солиш учун;

✍ Аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун;

✍ Аудиторлик ташкилотлари ва улар хизматларидан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни молиявий бошқариш тизимини барпо этиш ва бошқалар.

Аудиторлик ташкилотлари меҳнат унумдорлиги икки кўринишда баҳоланиши мумкин:

1. Эришилган натижа;
2. Кўрсатилган хизмат.

Аудиторлик ташкилотлари бир қатор хизматларни амалга оширади ва ҳар бир хизмат сўнги натижа билан якунланиши керак. Лекин буни ўлчаш бир қатор қийинчиликлар билан кечади. Эришилган натижа бўйича меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш аудиторлик ташкилотлари учун бир мунча тўғри келмаслиги ёки аниқ бўлмаслиги мумкин, негаки текшириш натижалари турлича бўлиши мумкин ва аудит жараёнида бир қатор таваккалчиликка йўл қўйилади.

Кўрсаткичларнинг иккинчи гуруҳи – кўрсатилган хизматлар бўйича, яъни миқдорга қандай хизматлар амалга оширилди? деган саволга жавоб беради. Бу ерда бир нечта асосий хизматларни олиш мумкин: аудит хизматлари, солиқ хизматлари, бухгалтерия ҳисобини тиклаш хизматлари ва косалтинг.

Хизматларнинг асосийси бу молиявий хўжалик фаолиятининг аудитидир ва уни меҳнат унумдорлиги нуқтаи назаридан қуйидаги жадвалда кўрсатилдган таркибий қисмларга ажратиш мумкин.

**Самарқанд вилояти аудиторлик ташкилотлари фаолияти натижаларини
ўлчашда инобатга олинadиган хизмат турлари ва улар агрегарлашган юк**

Баҳоланадиган хизмат тури	Ҳисобланадиган индекс тартиби	Юк (кузатилган аудиторлик ташкiлотларида мижоз тўлаган ҳақдан фоиз ҳисобида)
Аудиторлик хизматлари		
1. Касса ва касса операцияларини текшириш	Текшириш учун кетган вақт ва ҳужжатлар сони	7,08
2. Банк онерацияларини текшириш	Текшириш учун кетган вақт ва ҳужжатлар сони	8,48
3. Маҳсулот таннархини текшириш	Текшириш учун кетган вақт ва ҳужжатлар сони	14,27
4. Лаборатория тахлили	Маҳсулотнинг технологик жиҳатларини текшириш	2,83
5. Хронометраж	Иш вақтини ўлчаш	2,66
6. Асосий воситаларни текшириш	Инвентаризация	8,52
7. Консултация	Солиқлар бўйича	4,21
8. Бухгалтерия ҳисоби ҳолатини текшириш	Ҳисоботлар ва аналитик ҳисоб	51,95
		100

Бу тартибдаги изланишларнинг сўнгги натижаси қуйидагиларни аниқлашга ёрдам беради:

- ўртача кўрсатиладиган хизматлар бўйича аудиторлик ташкилотлари ўртасидаги фарқ;

- мижозларга тўланаётган ҳақларни ўрганиш натижасида ўзгариш тенденцияси кузатилади;

- олинган натижаларни аудитда қатнашган иштирокчилар сонига олиб бориб, уларга тўланган ҳақ ва улар ишлаган соатлар билан таққослаб, меҳнат унумдорлигига ўхшаш кўрсаткични олиш мумкин;

- таққослаш натижасида қайси тартибга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги ҳам ўрганилиб, таҳлил қилиш имконини беради.

Тармоқлар бўйича айрим текшириш турлари специфик жиҳатдан ўзгариши мумкин.

Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШнинг кўплаб фирмалари хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган махсус дастурлар жорий қилмоқдалар (биринчилар қаторида бу ишни ИБМ амалга оширади)¹⁰.

Бошқа томондан - кўплаб илмий ташкилотлар учун бундай дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш асосий фаолият турига айланиб қолмоқда. Бу турдаги таниқли ташкилотлардан бири 1977 йилда ташкил топган ва АҚШнинг йирик фирмаларига хизмат кўрсатадиган (жумладан Дженерал-Дайнемикс, ИБМ, Эссон, Мак-Доннел Дуглас, Рокуэлл Интернешнл ва бошқалар) Америка ишлаб чиқариш марказидир (APC).

Аудиторлик ташкилотларида ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ҳисоблаб топиш методикасини баён қилишдан аввал қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни келтиришни лозим топдик:

Бу тоифадаги ишчиларнинг меҳнат унумдорлигига турли нуқтаи назардан қараш мумкин. Биринчидан, бу белгиланган гуруҳ олдида турган вазифани ҳал қилиш аниқ операцияни бажариш самарадорлиги сифатида қаралади, лекин ҳар бир бўлинма мақсадлари ташкилотнинг умумий стратегик вазифалари билан келишилиши зарур. Ўзининг айрим жиҳатлари бўйича илмий нуқтаи назардан торлилигига қарамай, бундай ёндошиш аниқ гуруҳларнинг меҳнاتини ташкил қилиш ва рағбатлантириш тизимини сўнгги натижа билан боғлаш имконини беради.

Айрим муаллифлар хизмат кўрсатадиган ходимларнинг меҳнат унумдорлигини фирманинг умумий фаолиятига кўрсатадиган таъсирига қараб ўлчаш тарафдоридирлар. Бу ёндошиш П.Страссман ва П.Дракер учун характерлидир. Назарий жиҳатдан бу методика яхши, лекин амалий жиҳатдан мураккабдир. Мантиқий жиҳатдан У.Рач концепцияси мақсадга мувофиқроқ, у хизмат кўрсатишда ходимларни бажарадиган ишининг оғирлигига қараб

¹⁰ Strategies for productivity: international perspectives. – VMPVB. 1984 й, 69-81 бетлар.

ажратади ва бажарадиган функциясини сўнгги натижага таъсирини белгилашни олади ҳамда ҳар бир гуруҳ учун алоҳида меҳнат унумдорлигини баҳолаш усулини таклиф қилади¹¹.

Аудиторлик ташкилотлари учун меҳнат унумдорлигини ошириш дастурини **6-жадвалда** келтиришга ҳаракат қиламиз. Дастур олти босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич тўла ишланган.

¹¹ Ruch W. A. Measuring knowledge worker productivity. — In: Dimensions of productivity research, ed. Bu Hogan J.D. — ЎЎЎ, 1980.

Аудиторлик ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастури схемаси

6-Жадвал

Аудит хизмати кўрсатиш бўлагининг иқтисодий ҳолати диагнози	Мақсадни белгилаш	Ўлчаш	Хизматлар консультацияси	Меҳнат унумдорлигини ошириш командаларини тузиш	Хизмат кўрсатиш процесси технологик кўрсаткичларини яхшилаш
1. Мазкур бўғинларнинг сўнгги маҳсулоти нимадан ташкил топишини аниқлаш.	1. Мазкур бўғиннинг ташкил бўлиши мақсадини аниқлаш.	1. Самарадор ликка таъсир қиладиган чоралар.	1.Хизматлар қандай амалга оширилиши тўғрисида аниқлик.	1. Мазкур бўғин ичидаги ишчилар ўртасида ва бошқа функционал гуруҳлар билан тенг муносабатлар ўрнатиш.	1.Хизмат кўрсатиш техник асосига эътибор.
2. ойдаланувчининг кўрсатилган хизматнинг ҳажми сифати бўйича талаб ва таклифини белгилаш.	2.Бўғин олдида турган мақсадга эришиш перспектива ларини барпо қилиш.	2.Маълумот- лар йиғиш усули.	2.Мазкур бўғин олдида турган мақсадга хизматлар мос тушиши керак.	2.Ўзаро алмашиш ва бир-бирини “суғурта” қилиш бўйича келишиш.	2. Оғир ва майда ишларни самарали бажариш
3. Меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин бўлган нуқталарни белгилаш.	3. Бўғиннинг мақсадларини кўрсатилаётган хизматлар билан боғлаш	3.Ишдаги ижобий таъсир қилаётган маълумотлар ни йиғиш.	3. Хизматларни яхшилаш учун имкониятлар топиш. 4. Офисда янги технология жорий қилиш учун имкон топиш.	3.Кооперация ва фаол иштирок этишни рағбатлантириш.	3. Коммуникацион оқимларни ривожлантириш.

Энг биринчи босқичда асосий фаолият тури, яъни текширишлар олинади; амалга ошириладиган операциялар тафтиш қилинади; хизмат кўрсатувчи ва мижоз ўртасидаги алоқалар таҳлил қилинади.

Иккинчи босқичнинг асосий вазифаси - гуруҳнинг мақсадларини компаниянинг умумий стратегик белгилашлари билан боғланишини таъминлаш бўлиб, кўрсатилаётган хизматни фақат одатийлик тусланишидан четлатишдир. Бу ерда мазкур бўғиннинг зарурлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларига эътибор қаратилади.

Охирги учта босқичда эътибор хизматлар сифатини яхшилаш шартлари бўлган техник, ташкилий ва психологик жиҳатларни барпо қилишга қаратилган.

Аудиторлик ташкилотларининг меҳнат унумдорлигини ошириш дастури бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларидан, биринчидан, шу билан фарқ қиладики, унда асосий мақсадга эришиш ўзгаргандир. Яъни хизмат кўрсатиш учун харажатларни камайтириш ўрнига биринчи ўринга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва ўз вақтида амалга ошириш киради. Бунинг учун тез ўзгарувчан бозор шароитига кўникиш учун доимий инновациялар зарур ва юқоридаги дастур, авваламбор, касбий самарадорликка йўналтирилган.

Иккинчидан, бошқа соҳаларда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳар бир ишчининг фаолияти самарадорлигига қаратилган бўлса, келтирилган дастурда гуруҳ самарадорлигига қаратилган. Шу билан бирга гуруҳ учун ҳам самарадорлик бутун ташкилотнинг фаолият нуқтаи назаридан қаралган. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун фойдаланилган ташкилий-техник усуллар ҳам турличадир. Масалан, бошқа соҳаларда бу иш жойини техник таъминланиши ва техник жиҳозланишини ошириш бўлса, келтирилган аудиторлик ташкилотларилари меҳнат унумдорлигини ошириш дастурига биноан хизмат кўрсатувчилар ўртасида кооперацияни рағбатлантириш, маълумот алмашиш каналларини ривожлантириш техник жиҳозлашни ошириш билан бирга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш манбаи бўлади.

Учинчидан, келтирилган дастурни консультантлар эмас, балки шу гуруҳнинг махсус тайёргарликдан ўтган бирон иштирокчиси жорий қилади.

Ва ниҳоят, дастур маълум бир «бўш» тизимни яхшилаш учунгина эмас, балки жамоани хизматлари сифатини ва унумдорлигини оширишга қаратилган.

Ҳозирги кунда АҚШ иқтисодида ва илмий даргоҳларида хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг меҳнат унумдорлигини ўлчашнинг аналитик усуллари кўллашни чеклаш ва озайтириш компанияси олиб борилмоқда. Лекин қўйилган мақсадга сон кўрсаткичларида қандай эришиш мумкинлиги усуллари таклиф қилинмаган.

Шу туфайли бошқарув тизимида ва амалиётда чуқур ўлчаш муомалаларини қўлламай иложи йўқ, аудиторлар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳам шулар жумласидан. Албатта, аниқлик металлург ёки слесарь меҳнат унумдорлигини ўлчашдагидан фарқ қилади.

Моддий бойликлар яратиш соҳасидаги ишчилар ва хизмат соҳасидаги хизматчилар меҳнат унумдорлигини ўлчашда ҳам бир қатор принципиал фарқлар мавжуд:

1) Моддий бойлик яратиш соҳасидаги ишчилар фаолияти жонсиз меҳнат, яъни машина ва механизмлар билан боғлиқ.

2) Моддий бойлик яратиш соҳасидаги ишчилар унумдорлигини ҳар бир ишчининг индивидуал меҳнат унумдорлигига коллектив функцияларни бажариш билан боғлиқ. Бу ерда индивидуал унумдорлик тўғрисида гапириш қийин.

Шу билан бирга ўлчаш ва ҳисоблаш муолажаларини четлаб ўтишнинг имкони бўлмапти, чунки ҳар қандай дастурнинг самарали амал қилиши учун зарур маълумотлар керак.

Умуман меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун (шу жумладан хизматчиларни ҳам) натижани ажрата билиш керак. Агарда моддий бойлик яратувчининг унумдорлиги ташқи характерга эга бўлиб, уни мутахассислар аниқласа, масалан нормалаштирувчилар хизматчиларнинг меҳнат унумдорлиги шу хизматчи хизмат қилаётган бўғин ёки гуруҳ хизматчиларининг фаол иштирокида аниқланади.


Гуруҳ хизматчиларининг ўзларини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқишга жалб қилиш жараёни параллел иккита муҳим масалани ҳал қилиш имконини беради:

- 1) Гуруҳларни рағбатлантириш: инсонлар доимо ўзлари иштирок этган режалаштиришни яхши бажарадилар;
- 2) Гуруҳ олдида турган сўнгги мақсадни иштирокчиларнинг ўзлари аниқ белгилашади.

Аудиторлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблашнинг энг биринчи хусусияти ҳам юқоридагилардан иборат бўлиб, ҳисоблаш жараёни кетма-кетлигини қуйидаги **7- чизмада** кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Иккинчи хусусият шундан иборатки, аудиторлик хизматлари турлича бўлганлиги сабабли, конвейер ишчисиникидан фарқли, уларнинг меҳнат унумдорлиги бир нечта кўрсаткич билан ифодаланиши мумкин. Унумдорлик авваламбор хизмат сифати, ўз вақтида амалга оширилиши ва ресурслар харажати билан акс этиши керак.

Аудиторлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш жараёни



7-чизма. Аудиторлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш жараёни.

Шундай қилиб, юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда бошқа хизмат турларидан фарқли аудиторлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун қуйидаги муолажалар таклиф этилади.

Аудиторлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш муолажалари

7- Жадвал

№	Бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари учун	№	Аудиторлик ташкилотлари учун
1.	Чоралар фаолиятини акс эттиради	1.	Хизмат натижасини акс эттиради
2.	Чоралар ташқаридан белгиланади	2.	Аудиторларнинг фаол иштирокида белгиланади
3.	Ҳар бир хизматчи учун	3.	Хизматчилар гуруҳи учун
4.	Харажатларни чеклашга қаратилган	4.	Харажатлар вазиятдан келиб чиқиб белгиланади
5.	Ягона мезон	5.	Бир нечта кўрсаткич
6.	Ўзини бошқалар билан таққослаш	6.	Ўзини бир неча давр давомида таққослаш
7.	Назорат ташқаридан, жазолашга қаратилган	7.	Назорат иштирокчиларнинг ўзи билан бирга ташқаридан, муаммони ҳал қилишга қаратилган

Ҳозирги кундаги хизмат соҳасида меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш фаолият жараёнини баҳолашга қаратилган бўлиб, гуруҳ томонидан кўрсатиладиган хизматлар четда қолмоқда. Масалан: секретарлар ўз ишини

қабул қилинган ҳужжатлар, бажарилган нусха олишлар, телефон қўнғироқлари сони орқали, менежерлар - мажлислар, хизмат хатлари, топширилган ариза ва бошқалар билан баҳолайди. Булар инсон фаолиятининг кўриниши бўлиб, сўнгги натижани ифодаламайди. Бу тизим кам ҳоллардагина истемолчининг манфаатларига жавоб беради. Ишчилар сони, сарфланган соатлар каби кўрсаткичлардан фойдаланиш улар ҳисоблашга мойил бўлгани учунгина қўлланилади. Лекин фақатгина натижани эмас, балки сўнгги натижа сифатида фойдаланувчиларга нафи тегадиган натижани ҳисоблаш зарур. Самарага эътибор бериш самарадорликдан фарқли инновацияларга жалб қилади, хизматлар сифатини ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди.

Ривожланган мамлакатларда илмий доиралар «самара» ва «самарадорлик» категорияларини чуқур ўрганишмоқда. Бу категориялар режали иқтисод даврида ҳам чуқур ўрганилган, лекин мулкий муносабатлар чиқарилган илмий хулосаларга доимо мос келавермаганлиги сабабли улардан олинган нафни баҳолаш мушкул. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, самарадорлик фойдалиликни белгилаб беради ва шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида яхши қабул қилинади, лекин хорижий иқтисодчилар бу концепцияни танқид остига олишмоқда. Айниқса, хизмат соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш борасида бу ёндошиш бўшдир. Бу фикрни, яъни ҳаракатлар ва прогрессив чоралар билан таққослаш мисолида кўриш мумкин (8 жадвал).

Аудиторлик ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ҳисоблашга икки хил ёндошиш

8- Жадвал

			Меҳнат унумдорлиги чоралари
--	--	--	------------------------------------

	Функция	Хизмат	анъанавий	таклиф қилинади
1.	Амалий аудит	Аудит натижаси, Хулоса	Режага нисбатан ҳақиқий қилинган харажат	Муваффақиятли инновация
2.	Маркетинг ва хизматли сотиш бўлимини бошқаришнинг функционал мажбуриятлари ни ишлаб чиқиш	Фирма тақдим этадиган маълумот тизими	Режага нисбатан ҳақиқий қилинган харажат	Фирманинг бозор муносабатларига эришиши
3.	Ускуналар тўплаш	Фирманинг мақсадга эришиши учун ускуналар харид қилиш	Режага нисбатан ҳақиқий қилинган харажат	Ускуналарнинг техник имкониятлари

Бозор иқтисоди шароитида аудиторлар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш рақобат кучли бўлганлиги туфайли муҳим роль ўйнайди ва келтирилган таклифлар ўринли бўлади, деб ҳисоблаймиз.

3.2 Аудиторлик ташкилотлари рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларининг ҳолати

Бозор иқтисодиёти эркин ва рақобат асосида ривожланадиган иқтисодиётдир. Молиявий жиҳатдан мустаҳкам аудиторлик ташкилотларигина рақобатга бардош

бера олади ва ривожланади. Аудиторлик ташкилотлари молиявий мустаҳкамлиги кўп жихатдан ўз фаолиятлари натижасида эришадиган фойдага боғлиқ. Шу боис аудиторлик ташкилотлари хўжалик фаолияти аудиторлик таҳлилидан ўтказилаётганда уларнинг даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Молиявий натижа таҳлилининг асосий мақсади фойда (зарар) ҳажмини, унинг шаклланиш жараёнини, фойдалилик даражасини, фойда ҳажмига ва фойдалилик даражасига таъсир қилувчи омилларни, ушбу омилларнинг таъсир даражасини ўрганиб чиқиш ва шу асосда келгусида фойда ҳажмини ошириш (зарарни бартараф этиш) чора – тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Аудиторлик ташкилотлари молиявий натижасини таҳлил қилишда у орқали аниқланадиган самарадорлик кўрсаткичларини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бундай кўрсаткичлар асосан рентабеллик кўрсаткичларидан иборат бўлади. Аудиторлик ташкилотларида асосан рентабеллик кўрсаткичларининг қуйидаги турлари аниқланади:

- хизматларни сотиш рентабеллиги;
- харажатлар рентабеллиги;
- жами активлари рентабеллиги;
- аудиторлик ташкилотлари хусусий капитали рентабеллиги;

Хизматларни сотиш рентабеллиги – хизматлар сотишдан тушган тушум таркибидаги фойда улушини ифодалайди. У ялпи фойда суммасининг маҳсулот сотишдан тушган соф тушумга нисбати кўринишида ҳисобланади:

$$C_{\text{рент}} = \frac{\text{ЯФ}}{\text{СТ}} * 100$$

Бу ерда: $C_{\text{рент}}$ – хизматларни сотиш рентабеллиги;

ЯФ - хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда;

СТ – хизматларни сотишдан тушган тушум.

Харажатлар рентабеллиги - бу асосий ишлаб чиқариш харажатлари (хизматларни кўрсатиш таннари, давр харажатлари)нинг ҳар 1 сўмига тўғри келадиган асосий фаолиятидан олинган фойданинг миқдорини тавсифлайди.

$$\text{Хар}_{\text{рент}} = \frac{\text{АФФ}}{\text{АИЧХ}}$$

Бу ерда: $\text{Хар}_{\text{рент}}$ - харажатлар рентабеллиги;
 АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;
 АИЧХ – асосий фаолиятлар билан боғлиқ харажатлар.

Жами активлар рентабеллиги - бу фойдаланилаётган активларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодалайди. У соф фойданинг умумий активнинг суммасига нисбати кўринишида аниқланади:

$$\text{А}_{\text{рент}} = \frac{\text{СФ}}{\text{А}}$$

Бу ерда: $\text{А}_{\text{рент}}$ – активлар рентабеллиги;
 А – активларнинг йиллик суммаси;
 СФ – соф фойда.

Хусусий капитал рентабеллиги - бу хусусий капитал ҳар 1 сўмига тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодалайди. У соф фойданинг аудиторлик ташкилоти хусусий капитали суммасига нисбати кўринишида аниқланади:

$$\text{ХК}_{\text{рент}} = \frac{\text{СФ}}{\text{ХК}} * 100$$

Бу ерда: $\text{ХК}_{\text{рент}}$ – хусусий капитал рентабеллиги;
 ХК – хусусий капитал суммаси.

«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотини рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики (9-жадвал), 2010 йилда маҳсулот сотишдан тушган тушум суммаси ошган лекин соф фойданинг камайганлиги хизматларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичининг -3.9 % га камайишига олиб келган.

Асосий фаолият билан боғлиқ харажатларнинг ошганлиги ва асосий фаолиятдан олинган фойда суммасининг камайганлиги билан харажатлар рентабеллиги кўрсаткичи кескин ўзгарган - 0.1 %.

9-жадвалдан кўриниб турибдики, ташкилотда 2010 йил олдинги йилга нисбатан соф фойда суммаси -2213.2 сўмга камайдигани ҳолда жами активлар кўпайиши ва хусусий капитал суммасининг кўпайиши сўнгги иккита рентабеллик

кўрсаткичлари (жами активлар рентабеллиги ва хусусий капитал рентабеллиги)нинг ўтган йилга нисбатан камайишига олиб келган.

**«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилоти рентабеллик
кўрсаткичларининг таҳлили**

9-Жадвал

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	Фарқи, (+,-)
Хизматларни сотишдан келган соф тушум, минг сўм	95095,0	100639,0	5544,0
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	57843,9	55448,0	-2395,9
Асосий фаолиятлар билан боғлиқ харажатлар (сотилган маҳсулотнинг таннари, давр харажатлари), минг сўм	66048,7	76391,2	10342,5
Асосий фаолиятдан олинган фойда, минг сўм	29260,3	27047,1	-2213,2
Соф фойда, минг сўм	29260,3	27047,1	-2213,2
Жами активлар суммаси, минг сўм	107341,4	134553,0	27211,6
Хусусий капитал суммаси, минг сўм	101965,3	129056,2	27090,9
Хизматларни сотиш рентабеллиги, %	30,8	26,9	-3,9
Харажатлар рентабеллиги, сўм	0,44	0,35	-0,1
Активлар рентабеллиги, сўм	0,3	0,2	-0,1
Хусусий капитал рентабеллиги, сўм	0,3	0,2	-0,1

Манба: Корхона молиявий натижалари тўғрисидаги (2-шакл) ҳисоботи ва бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Хулоса қилиб айтганда, «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг молиявий натижа кўрсаткичлари ёмон аҳволда эмас. Бироқ, аудиторлик фаолияти сўнгги йилларда соф фойда билан якунланаётган бўлсада, унинг ҳажми ўтган йилга нисбатан камаймоқда. Бундай фойда билан аудиторлик ташкилотини кенг миқёсда ривожлантириш қийин. Шу сабабли, ташкилот молиявий натижаларини ошириш чораларини кўриши лозим. Бизнингча, бундай чора – тадбирлар қуйидагиларга қаратилган бўлиши керак:

- хизматлар кўрсатишдан ташқари молиявий фаолиятлар ҳисобига ҳам фойда олишга интилиш;

- доимо ўзгарувчан конъюктурага қараб хизматлар турини янгилаб туриш;

- хизматларни сотиш бозорини кенгайтириш ва бошқалар.

Ушбу чора – тадбирларни ташкилот хўжалик фаолиятига тадбиқ этиш, фикримизча ўз натижасини беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкдорлар (акционерлар, пайчилар, хусусий корхона эгалари) ўзлари ташкил этган корхоналарининг яшовчан бўлишини ишташади. Бу уларга доимий равишда фойда олиб туриш имкониятини беради. Аудиторлик ташкилотининг яшовчанлиги кўп жиҳатдан унинг молиявий ҳолатига боғлиқ. Молиявий жиҳатдан барқарор, мустаҳкам бўлган аудиторлик ташкилотларигина рақобат шароитида ўзларининг харажатларини қоплаб, фойда олиш имкониятига эга бўлади. Буларнинг барчаси аудиторлик ташкилотлари хўжалик фаолиятини аудит қилишда бухгалтерия баланси моддаларини аудиторлик таҳлилидан ўтказишнинг аҳамияти нақадар юқори эканлигини билдиради.

Молиявий ҳолат аудиторлик ташкилотлари маблағларининг миқдори, активлар ўртасида жойлашуви, маблағлар ташкил топиш манбаларининг аҳволини ифодаловчи мезон ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан маблағларининг жойлашувига (мулкӣ ҳолатига), ликвидлик даражасига ва тўлов қобилиятига боғлиқ бўлади. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, бухгалтерия баланси аудиторлик таҳлили асосида аудиторлик ташкилотининг қуйидаги жиҳатларига баҳо бериш лозим:

- корхонанинг мулкӣ ҳолати;
- ликвидлик даражаси;
- тўлов қобилияти.

Аудиторлик ташкилотлари мулкӣ ҳолатини аудиторлик таҳлилидан ўтказишда ташкилот активларининг миқдори, жойлашиш хусусиятлари ва бу маблағларнинг қайси манбалардан шакллантирилганлиги ўрганиб чиқилади. Бунинг учун дастлаб, аудиторлик ташкилотининг қисқартирилган балансини тузиб олиш мақсадга мувофиқ (10-жадвал). Бунинг учун балансни тартибга солувчи моддалардан тозалаш ва ўхшаш моддаларни умумлаштириш лозим.

10-жадвал маълумотлари кўрсатишича «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг умумий маблағлари суммаси 2010 йилда олдинги йилга нисбатан 27211.6 минг сўмга кўпайиб, 1344553.0 минг сўмни ташкил этган.

**«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг қисқартирилган баланси,
минг сўм 10 - Жадвал**

«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг маблағларининг жойлашиши			Маблағларнинг ташкил топиш манбалари		
Кўрсаткичлар	2010 йил 1 январ	2011 йил 1 январ	Кўрсаткичлар	2010 йил 1 январ	2011 йил 1 январ
1-бўлим. Узоқ муддатли активлар			1-бўлим. Ўз маблағлари манбалари		
Асосий воситалар	58886.2	64721.7	Устав капитали	94000	94000
Номоддий активлар	---	---	Резерв капитали	1818.8	1818.8
Узоқ муддатли инвестициялар	---	---	Тақсимланмаган фойда	6146.5	33237.4
Капитал қўйилмалар, ўрнатиладиган жиҳозлар	---	---	Мақсадли тушумлар	---	---
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар	---	---	Келгуси давр учун резервлар	---	---
1-бўлим бўйича жами	43916.3	41923.8	1-бўлим бўйича жами	38352.7	41829.5
2-бўлим. Жорий активлар			2-бўлим. Мажбуриятлар		
Товар-моддий захиралар	7573.8	13390.9	Қисқа муддатли мажбуриятлар, шундан:	5376.1	5496.8
Келгуси давр харажатлари	2800.8	8067.5	Олинган бўнаклар	2350.0	250.0
Пул маблағлари	27967.5	24914.2	Бюджетга тўловлар бўйича қарз	352.8	634.1
Дебиторлик қарзлари	12913.9	31526.2	Сугурталар бўйича қарзлар	750.4	1214.7
			Мақсадли жамғармалага қарзлар	22.9	41.5
			Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	1856.0	3356.5
			Бошқа қарзлар	44.0	

2-бўлим бўйича жами	48455.2	69831.3	2-бўлим бўйича жами	5376.1	5496.8
Жами корхона активлари	107341	134553.0	Жами корхона пассивлари	107341.4	134553.0

Манба: Корхона бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг маблағларининг асосий қисми асосий воситаларда (64721.7минг сўм), товар – моддий заҳираларда (13390.9 минг сўм) жойлаштирилган.

Аудиторлик ташкилоти бухгалтерия балансини таҳлилдан ўтказишда муҳим босқич бўлиб, унинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига баҳо бериш ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизнинг кўпчилик иқтисодчи – олимлари ликвидлик ва тўлов қобилиятини битта тушунча сифатида қарашади¹². Бизнинг фикримизча бу икки тушунчани бир – биридан фарқловчи хусусиятлари бор.

Ликвидлик корхоналарнинг жорий активлари ҳисобига қисқа муддатли мажбуриятларини қоплай олиш имкониятини билдирса, тўлов қобилияти барча мажбуриятларини умуман узоқ ва қисқа муддатли активлари билан қоплай олиш имкониятларини ифодалайди.

¹² Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999, 46-б, Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2003, 87-б, Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999, 4-б.

«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг мулкый ҳолатининг таҳлили, %

11- Жадвал

Кўрсаткичлар	2010 йил 1 январга		2011 йил 1 январга		Фарқи, (+,-)	
	Балансинг тегишли бўлимидаги улуши	Жами активлардаги улуши	Балансинг тегишли бўлимидаги улуши	Жами активлардаги улуши	Тегишли бўлимидаги улуши бўйича	Жами активлар- даги улуши бўйича
Узоқ муддатли активлар	100	45,1	100	48,1	0	3,0
Асосий воситалар	100.0	45,1	100.0	48,1	0	3,0
Жорий (айланма) активлар	100	54,9	100	51,9	0	-3,0
Товар моддий заҳиралар	15,6	7,1	19,2	10,0	3,5	2,9
Пул маблағлари	57,7	26,1	35,7	18,5	-22,0	-7,5
Дебиторлик қарзлари	26,7	12,0	45,1	23,4	18,5	11,4
<i>Шундан, муддати ўтгани</i>	-	0,0	-	0,0	0	0,0
Ўз маблағлари	100	95,0	100	95,9	0	0,9
Мажбуриятлар	100	5,0	100	4,1	0	-0,9
Жорий мажбуриятлар	100	5,0	100	4,1	0	-0,9
Узоқ муддатли мажбуриятлар	-	0,0	-	0,0	0	0,0

Манба: Корхона бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Аудиторлик ташкилотлари бухгалтерия балансини таҳлилдан ўтказишда корхонанинг тўлов қобиллигини ҳам аниқлаш зарур. Тўлов қобиллик юқорида таъкидлаганимиздек, аудиторлик ташкилотининг барча мажбуриятларини умуман узоқ ва қисқа муддатли активлари билан қоплай олиш имкониятларини ифодалайди. .

Тўлов қобилиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, тўловга қодирлик коэффиценти ҳасобланади. У ўз маблағларининг (ХК) жами мажбуриятлар (М) га нисбати сифатида аниқланади:

$$K_{тк} = \frac{ХК}{М}.$$

Аудиторлик ташкилотларининг тўлов қобилиятини таҳлил қилаётганда қуйидаги кўрсаткичларни ҳам қўшиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- молиявий мустақиллик даражаси;
- молиявий қарамлик даражаси.

Молиявий мустақиллик даражаси (ММд) кўрсаткичи жами активларнинг ўз маблағлари ҳисобига шакллантирилган қисмини ифодалайди ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$ММд = \frac{ХК}{А},$$

Бу ерда: А – жами активлар суммаси;

ХК – ўз маблағлари манбалари (хусусий капитал).

Молиявий қарамлик даражаси (МҚд) кўрсаткичи жами активларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари, яъни мажбуриятлар ҳисобига шакллантирилганлигини билдиради. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$МҚд = \frac{М}{А},$$

Бу ерда: А – жами активлар суммаси;

М – жами мажбуриятлар суммаси.

**«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг тўлов қобилиятини
баҳолаш**

12- Жадвал

Кўрсаткичлар	2010 йил		Фарқи, (+,-)	Ўсиш суръати, %
	Йил бошига	Йил охирига		
Мутлоқ кўрсаткичлар, минг сўм				
Жами активлар суммаси	107341,4	134553	27211,6	125,4
Хусусий капитал	101965,3	129056,2	27090,9	126,6
Жами мажбуриятлар	5376,1	5496,8	120,7	102,2
Нисбий кўрсаткичлар				
Тўловга қодирлик коэффиценти	1896,6	2347,8	451,2	*
Молиявий мустақиллик даражаси, %	95,0	95,9	0,9	*
Молиявий қарамлик даражаси, %	5,01	4,09	-0,9	*

**-ушбу кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатини аниқлаш мантиққа мос эмас.*

Манба: Корхона бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

12-жадвал маълумотлари 2010 йилда 2009 йилга нисбатан жами активлар, мажбуриятлар суммаларининг тез суръатлар билан ошганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари мос равишда 125.4 % ва 102.2 % ни ташкил этган. Хусусий капитал суммаси ҳам ўсиш тенденциясига эга. Унинг ўсиш суръати – 126.6 %.

«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг балансида юз берган бундай ўзгаришлар тўлов қобилияти кўрсаткичларига ижобий таъсир қилган. Жумладан, тўловга қодирлик коэффиценти 451.2 бандга кўпайган бўлса, қарамлик даражаси -0.9 га камайган. Жами активларда ўз маблағларининг улушининг ўсиши 0.9 ни ташкил қилади.

«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотининг бухгалтерия балансининг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг молиявий ҳолати барқарор. Шунинг билан

биргаликда, молиявий ҳолат кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш унинг йилдан – йилга яхшиланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб фаолиятни кенгайтириш чораларини амалга оширишга имкониятни кўриш мумкин.

3.3 Аудиторлик ташкилотлари самарадорлигини ошириш йуллари

2009 йил билан таққослаганда, аудиторлик ташкилотларининг биргаликда тушуми 31,8% га ўсди. Республика аудиторлик ташкилотлари маълумотлари шуни кўрсатадики, 2010 йилги аудит бозоридаги умумий тушумнинг 85,6% и Тошкент шаҳридаги аудиторлик ташкилотларига тегишли. Иккинчи ўринда Фарғона вилояти 6%, учинчи ўринда Андижон вилояти 2,6%, тўртинчи ўринда Қашқадарё вилояти 1,3% ва бешинчи ўринда Самарқанд вилояти 1,1% туради. Бу табиий. Чунки Тошкент шаҳри, Фарғона ва Андижон вилоятларида энг кўп аудиторлик ташкилотлари қайд этилган, республика сертификатланган аудиторларининг катта қисми мазкур ташкилотларда меҳнат қилади.

Йил мобайнида тушган умумий тушумнинг 37% и халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан топилган. Баъзи аудиторлик ташкилотлари ташкилот штатига кирмаган малакали бухгалтерларни вақтинчалик ёрдамчи қилиб олишгани йил кўрсаткичларини бузиб кўрсатмода. Шунингдек, умумий тушумнинг бир қисми бир аудиторлик ташкилотидан иккинчисига субпудрат ташкилот сифатида ўтказилмоқда. Натижада бир қисм тушум ҳисоб-китобларда икки марта акс этмоқда.

Мамлакатимиз аудиторлик ташкилотлари умумлашма тушуми 2009 йилга нисбатан 31,8% га ўсди. 2010 йил учун шартномаларнинг ўртача баҳоси 3.595 минг сўмни ташкил қилди, бу 2009 йилга нисбатан 32,2% га ўсдиш бўлганини кўрсатади. Лекин 2010 йилда тузилган шартномалар сони ўтган йилга қараганда камайиб, ўтган йилги даражанинг 99,7% ни ташкил этди.

13-жадвалнинг кейинги устунларида аудиторлик ташкилотларининг 1 нафар сертификатланган аудитори ва 1 нафар ходимига тўғри келадиган ўртача тушум республика вилоятлари бўйича кўрсатилган. Тошкент шаҳри аудиторлари ва аудиторлик ташкилотлари барча кўрсаткичлар бўйича етакчилик қилмоқдалар.

Тошкент шаҳрида битта аудиторлик ташкилотига тўғри келувчи ўртача тушум халқаро аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг аудиторлари туширган тушумларни ҳисобга олмаган ҳолда 216.670 минг сўмни, 1 нафар аудиторга

38.236 минг сумни ташкил қилган. Бу бошқа вилоятларга қараганда анча кўп. Аудитор/ходимнинг 1 одам/соат ишининг қиймати. Ҳисоб-китоб учун қуйидаги шартлар олинган:

- 5 кунлик иш ҳафтаси;
- йилдаги иш кунлари-254 кун;
- йилдаги иш соатлари (кунига 8 соатдан)-2026 соат;
- аудитор/ходим йилда бир марта 24 кун давом этадиган меҳнат таътили олади;
- аудитор/ходим йил давомида ўз малакасини ошириш ва турли семинарлар учун 100 соат сарфлайди;
- аудитор/ходим кун бўйи мижоз учун ишлайди (хўжалик субъекти идораси ёки ўзининг идорасида);
- аудитор/ходим сафарга чиққанда йўлга кетадиган вақт ва вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган даври эътиборга олинмаяпти.

Юқорида кўрсатилган шароитларда аудитор/ходим 2010 йил давомида 1773 соат ишлаган. Республика вилоятлари миқёсидаги натижа –жадвалда кўрсатилган.

Тажриба тўғрилиги учун юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар қуйилагилар ҳисобига бузилганлигини таъкидлаш зарур:

- халқаро аудиторлик ташкилотларининг молиявий кўрсаткичлари. Улар йил мобайнидаги умумлашма тушумнинг 37 % ини топишган ва 1 нафар аудиторга тўғри келувчи ўртача тушум 370 млн. сўмга тенг.

- баъзи аудиторлик ташкилотлари ташкилот штатига кирмаган малакали бухгалтерларни вақтинчалик ёрдамчи қилиб олишган;

- баъзи аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларининг бир қисмини бошқа аудиторлик ташкилотларига субпудрат асосида ўтказмоқда.

Натижада бир қисм тушум ҳисоб-китобларда 2 марта акс этмоқда.

Жадвалдан кўриниб турибдики, республика бўйича сертификатланган аудиторнинг 1 соат ишини ўртача қиймати буюртмачига 27.640 сўмга тушаяпти. Республика вилоятлари миқёсида бу рақам ўзгаради.

Сертификатланган аудитор ишининг ўртача қиймати қўйилган вазифанинг мураккаблиги, жалб қилинган мутахассислар ва ёрдамчилар сонига қараб кўпайиши мумкин.

**2010 йилнинг молиявий яқунлари (республика вилоятлари миқёсида)¹³
минг сўмда**

13-жадвал

№	Республика вилоятлари бўйича	Умуми й тушум	Ўртача тушум:			Аудиторнинг ўртача бир одам/с қиймати	Ходимнинг ўртача 1 одам/с қиймати
			1 аудит. ташкilotи а	1 нафар аудитор а	1 нафар ходим а		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	41 830	20 915	5229	2461	2,95	1,39
2	Андижон вилояти	701 114	140 223	20621	10623	11,63	5,99
3	Бухоро вилояти	95 260	47 630	11907	4536	6,72	2,56
4	Жиззах вилояти	55 719	55 719	13930	6965	7,86	3,93
5	Қашқадарё вилояти	380 091	76 018	19004	9746	10,72	5,50
6	Навоий вилояти	31 691	31 691	15845	7923	8,94	4,47
7	Наманган вилояти	298 917	74 729	17583	4982	9,92	2,81
8	Самарқанд вилояти	304 315	76 079	16016	8950	9,03	5,05
9	Сурхондарё вилояти	41 386	20 693	8277	2759	4,67	1,56
10	Сирдарё вилояти	56 495	28 247	6277	3531	3,54	1,99
11	Тошкент вилояти	129 670	43 223	11788	7628	6,65	4,30
12	Фарғона вилояти	1 645 750	182 861	31649	10972	17,85	6,19
13	Хоразм вилояти	129 068	43 023	12907	3911	7,28	2,21
14	Тошкент шаҳри	23 239 582	368 882	63323	25966	35,72	14,65
	жами	27 150 889	256 140	49009	19746	27,64	11,14

¹³ Аудитор журнали 2011 йил май №5(12) сони 14-бет

Республика аудиторлик ташкилотларининг хизматлари тузилмаси¹⁴

14-жадвал

№	Республика вилоятлари бўйича	Умумлашма тушум (минг сум)	Умумлашма тушум (минг сум):		
			Мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича	Ташаббусли аудиторлик текширувлари бўйича	Профессионал хизматлар бўйича
1	Қорақалпоғистон Республикаси	41 830	0	41 830	0
2	Андижон вилояти	701 114	488 987	164 950	47 177
3	Бухоро вилояти	95 260	24 045	71 215	0
4	Жиззах вилояти	55 719	8 970	19 629	27 120
5	Қашқадарё вилояти	380 091	228 960	135 620	15 511
6	Навоий вилояти	31 691	0	7 100	24 591
7	Наманган вилояти	298 917	81 992	99 365	117 560
8	Самарқанд вилояти	304 315	187 299	107 867	9 150
9	Сурхондарё вилояти	41 386	2 600	36 586	2 200
10	Сирдарё вилояти	56 495	17 950	36 875	1 670
11	Тошкент вилояти	129 670	7 500	66 200	55 970
12	Фарғона вилояти	1 645 750	1 086 663	322 574	236 513
13	Хоразм вилояти	129 068	70 600	38 516	19 953
14	Тошкент шаҳри	23 239 582	10 182 543	3 758 304	9 298 734
	Жами (2010 йилда):	27 150 889	12 388 109	4 906 632	9 856 148
	2009 йилга нисбатан, %	131,8	114,7	122,2	170,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, республика бўйича сертификатланган аудиторнинг 1 соат ишини ўртача қиймати буюртмачига 27.640 сумга тушяпти. Республика вилоятлари миқёсида бу кўрсаткич ўзгаради. Тошкент шаҳрида аудиторларнинг хизматлари қиммат ҳисобланади.

Сертификатланган аудитор ишининг ўртача қиймати қўйилган вазифанинг мураккаблиги, жалб қилинган мутахассислар ва ёрдамчиларнинг сонига қараб кўпайиши мумкин. Лекин сертификатланган аудитор иши қиймати жуда паст бўлиши мумкин эмас. Бу аудиторлик текшируви сифати, охириги натижада аудиторлик ташкилотининг мустақиллигининг йўқолишига олиб келади. Ишчи ҳужжатларини расмийлаштириш ва аудит ҳисоботини тузиш кабиларни ўз ичига олган сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш учун хатто кичик хўжалик

¹⁴ Аудитор журнали 2011 йил май №5(12) сони 14-бет

субъектида ҳам аудитор камида 1.5-2 иш кунини йўқотади. Демак, ўртача республика маълумотларини асос қилиб олсак, аудиторлик хизматларига тузиладиган шартноманинг қиймати 650.000 – 850.000 сўм атрофида бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотларига ўз хизматлари қийматини белгилашда ўтган йилги аудиторлик хизматларининг вилоят ва республика бўйича ўртача бозор кўрсаткичларини эътиборга олиш [тавсия қилинади](#).

IV-БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

4.1. Меҳнат ва ёнги хавфсизлиги масалалари

Бугунги кунда республикада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бу ҳақда президентимиз ҳам ўз маърузалари ва китобларида кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш **стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.**

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини

ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш хароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Биз тадқиқот олиб борган МЧЖ «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотида ҳам ходимлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга тегишли ишлар амалга оширилган. Чунончи, ходимларни вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш, корхона биноларининг ҳолатини вақти-вақти билан техник кўрикдан ўтказиб туриш йўлга қўйилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, МЧЖ «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотида бу борада амалга оширилган ишларни тўла-тўқис, деб бўлмайди. Ташкилот биносининг айрим жойларида электр симларининг изоляция қилинмаган жойлари мавжуд. Ташкилотда ходимлар билан меҳнат хавфсизлиги бўйича соҳа мутахассислари билан суҳбатлар ташкил этилмаган, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги масаласи бўйича алоҳида шахс масъул қилиб тайинланмаган.

Бизнингча, келгусида ушбу камчиликларнинг бартараф этилиши МЧЖ «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилоти ходимлар ҳаёти хавфсизлигининг янада кучайишига олиб келади.

Самарқанд шаҳридаги МЧЖ «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотида ёнғин хавфсизлиги бўйича бир қатор ишлар қилинган. Жумладан, ёнғин содир бўлганда бинодан чиқиш схемаси, ёнғин ўчоғини ўт ўчирувчилар келгунча, ўчириш учун бинода ўт ўчириш мосламалари ўрнатилган. Ёнғиннинг олдини олиш учун иситиш қурилмаларининг барча талабларга жавоб бериши ҳар кунлик назорат

остида. Яъни иситиш курилмалари Давлат стандартлари талаблари асосида нормал меҳнат шароитини таъминлаш мақсадида, иш зонаси ҳавоси ҳароратининг белгиланган миқдорда бўлишини саклашга хизмат килади.

Иситиш курилмаларига қўйилган асосий талаблар ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво ҳароратини нормал миқдорда санитар-гигиеник талаблар асосида саклаш ва ишчилар учун соғлом иш шароитини таъминлашдан иборатдир. Меҳнат муҳофазаси нуқтаи назаридан қараганда иситиш системалари ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойлари ҳавоси ҳароратини бутун иситиш мавсуми давомида бир хил бўлишини таъминлаши, ёнгин ва портлашга ҳавфсиз бўлиши, иссиқликни ростлаш имкониятини бериши, ҳавони ифлосламаслиги, шамоллатиш системалари билан боғлиқ бўлиши ҳамда фойдаланишда қулай бўлиши зарур.

Маҳаллий иситиш-электрик, газли ёки бошқа турдаги иссиқлик манбаидан (кумир, утин ва б.) фойдаланувчи печкалар ёрдамида амалга оширилади ва улар асосан асосий ишлаб чиқариш биноларидан узоқда жойлашган биноларда, ҳамда машина ва тракторларнинг кабиналарида ишлатилади.

Марказий иситиш сув билан, буг билан, сув-буг билан ва ҳаво билан ишловчи курилмаларга бўлинади.

Сув билан иситиш курилмалари фойдаланиш жихатидан энг қулай ва оддий ҳисобланади. Марказий сув билан иситиш системаларида иссиқлик тушувчи сифатида қайноқ сувдан фойдаланилади. Иситиш жихозлари сифатида эса силлик ва ковургасимон трубалар ҳамда радиаторлар ишлатилади.

Паст босимли сув билан иситиш системаларида сувнинг ҳарорати иситиш жихозларига кириш вақтида $-85-95^{\circ}\text{C}$, улардан қайтиб чиқишда эса $65-70^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади.

Қайноқ сув буг қозонидан очик кенгайтирувчи бакга келиб тушади ва бу бак иситиш жихозларидан юқорида урнатилган бўлади. Кейин эса, сув оқими билан иситиш жихозларига, иситиш жихозларидан эса қайтиб яна қозонга тушади. Кенгайтирувчи бак сувини қайнаши натижасида кенгайишини мувозанатлаштиради ҳамда трубаларни ишдан чиқишидан саклайди. Бундан ташқари бу бак ёрдамида системага кириб қолган ҳаво чиқарилиб юборилади.

Сувнинг бундай циркуляцияланиш схемаси каби ёки гравитацион система деб аталади. Бундай система сув кайнатиш қозонларидан энг узок жойлашган иситиш жихозларига булган масофа 50 м.дан ортик булмаган ҳамда қозон билан энг пастда жойлашган иситиш жихози орасидаги вертикал масофа 3 м.дан кам булмаган ҳолларда ишлатилади. Чунки шундай булган тақдирдагина табиий сув айланиш жараёни амлга ошади.

Юқори босимли сув билан иситиш системаси механик сув айланишини юзага келувчи ёпик системадан ташкил топган бўлади. Юқори босимли иситиш системалари, жумладан иситиш жихозларида ҳарорат 120-135°C га тенг.

Буг билан иситиш системалари ҳам паст босимли (70кПа гача) ва юқори босимли (70кПа дан юқори босимли) бўлиши мумкин. Бунда буг иситиш жихозларида маълум ҳароратгача совийди ва конденсацияланади («сувга айланади»). Хосил булган қондисат эса қозонга қайтади.

